ҚУТЛУҒ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК АЗИЗ ЎРТОҚЛАР!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 257 (17.837). • 7 ноябрь 1980 йил, жума • Баҳоси 3 тийин.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ

Биз ҳар йили 7 ноябрда жаҳон тарихида мислсиз янги давр — капитализмнинг ҳалокати ва социализмнинг ғалабаси даврини очган Улуғ Октябрь революцияси содир бўлган кунни зўр тантана билан байрам қиламиз. Ҳақиқатдан ҳам Улуғ Октябрь Ер куррасининг ҳамма қитъалари халқлари юрагига сўнмас олов ёқди, қашшоқ, йўқсилларга озодлик, бахт-саодат бахш этди, зулм ва нодонлик дунёси ўрнига бахт-саодат ва маърифат дунёсини юзага келтирди. Жаҳондаги бирорта революция инсоннят тарихида бундай буюк, тенгсиз социал ўзгаришлар қилмаганди. Шу сабабдан ҳам уни революциялар революцияси деб баҳолаймиз.

Октябрь инқилобининг буюк хизмати шундаки, у чор Россиясининг чекка ўлкаларида яшовчи катта-кичик миллатлар, халқлар, элатларни ҳам озодлик нуридан баҳраманд этди. Илгари чор амалдорлари, маҳаллий феодаллар, бой-баёйлар томонидан аёвсиз эзилган, ҳуқуқлари топталган ўзбек халқи ана шу буюк революциянинг ижодий яратувчилик қудратидан беқиёс наф кўрди. Қарангки, бир вақтлар бир-иккита кичик пахта, ёғ заводларига эга бўлган Ўзбекистонда эндиликда ҳозирги замоннинг, фан-техника революцияси даврининг энг сўнгги ютуқлари билан қуролланган минг-минглаб йирик заводлар, фабрикалар, сув иншоотлари, янги электростанциялар мавжуддир.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда 1500 дан кўпроқ йирик саноат корхонаси бунёд этилди. Саноатнинг 100 дан ортиқ янги соҳалари вужудга келди. Ўзбекистонда ишланаётган машиналар, механизмлар жуда кўп чет эл мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Ўзбекистон мамлакатимизнинг энг йирик пахта конидир. Республикамиз ҳар йили 5 миллион тоннадан ортиқ пахта сотмоқда. Бу йил эса «оқ олтин»имиз 6 миллион тоннадан ошиб кетди. Бу фан ютуқлари, илғор тажриба, кимё, олий техника туфайлидир. Ер ҳайдашдан тортиб пахтани териб олишгача бўлган ҳамма ишларни машиналар кучи билан бажарилмоқда. Бу йил далаларимизда 35 мингга яқин пахта териш машинаси ишлади. Республикамиз пахтадан ташқари мева, сабзавот, полиз экинлари, шоли, ғалла, чорва, ипак, қоракўл тери ва бошқа жуда кўп тармоқлар бўйича ўнинчи беш йиллик маррасига етди.

Ленинизм ғоялари, Улуғ Октябрнинг қайноқ нафаси коммунистик жамият бунёд этаётган халқимизнинг яратувчилик ишларида, жаҳон социализм системаси мамлакатлари халқларининг улкан ютуқларида, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг муваффақиятларида, Ер юзи халқларининг мустаҳкам тинчликка бўлган кучли иродасида яққол намоён бўлмоқда.

Бутун совет халқи қатори серқуёш республикамиз меҳнаткашлари ҳам Улуғ Октябрнинг 63 йиллигини ўнинчи беш йиллик план ва топшириқларини тўла-тўкис адо этиб, Ватан, партия ва халқ олдидаги муқаддас бурчларини садоқат билан адо этган ҳолда қутиб олмоқдалар. Партия ва давлатимиз раҳбари ўртоқ Л. И. Брежневнинг республикамиз пахтакорлари мисли кўрилмаган рекорд ҳосил етиштирганликлари муносабати билан йўллаган табрикномаси ҳар биримизнинг қалбимизни жўш урдириб юборди. Ана шу воқеага бағишлаб куни кеча ўтказилган республика меҳнаткашлар вакиллари йиғилишида Ўзбекистон меҳнат аҳлининг Ватан бахт-саодати йўлида янги зафарлар қучишга шай турганликлари яна бир бор таъкидланди.

Улуғ Октябрнинг буюк хизмати яна шундаки, у ҳозирги замоннинг янги, ажойиб кишиларини тарбиялаб вояга етказди. Совет кишиси зулм ва нодонликдан халос бўлган, меҳнатсевар, юксак ахлоқ, одоб кишиси. Улар ҳаммадан аввал жамиятимиз етакчи кучи бўлган ишчилар синфи. Ҳа, биз ишчи синфини жаноб олийлари деб фахр билан тилга оламиз. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ишчилар синфининг сони 2 миллиондан ортиқдир. Колхозчи деҳқонлар қишлоқ хўжалигимизнинг етакчи синфи. Бу ҳар иккала меҳнаткаш синф ичидан етилиб чиққан зиёлиларимиз ўлкамиз маданияти, фани, адабиёти ва санъатини ривож топтиришда зўр ижодий куч-ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Улар орасида юзлаб фан докторлари, академиклар, Ленин, Давлат мукофоти лауреатлари, СССР халқ артистлари, санъат, адабиёт арбоблари бор.

Республикамиз саноати, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият соҳасидаги эришилган барча муваффақиятлар Коммунистик партия ленинча миллий сиёсати натижасидир, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг доно коллектив раҳбарлиги натижасидир.

Улуғ Октябрь революциясини ишчилар синфининг партияси — Коммунистлар партияси, унинг йўлбошчиси В. И. Ленин амалга оширди. Ленин асос солган, тарбиялаб вояга етказган Коммунистлар партияси ва Совет давлати мана олтмиш уч йилдирки, мамлакатимиздаги катта-кичик ҳамма миллатлар, элатларни бирлаштириб, янги, коммунистик жамият қуриш йўлидан олға бошлаб бормоқда.

Ўзбекистон меҳнаткашлари меҳнат соҳасида катта ютуқлар билан КПСС XXVI съездига, Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига тайёрланмоқда. Завод ва фабрикаларда, улкан қурилишларда, колхоз ва совхозларимиз далаларида ижодий меҳнат қайнамоқда, социалистик мусобақанинг қудратли кучи ажойиб натижалар бермоқда.

Биз, партиямиз XXV съезди, КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларидан руҳланиб, партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, тинчлик учун оташин курашчи Л. И. Брежнев бошчилигида янгидан-янги ғалабалар сари бораверамиз.

Абдулла ОРИПОВ

ОКТЯБРЬ ВА ПАХТАКОР

Ҳар йили баҳор келар
Бизнинг она диёрга.
Ҳар йили куз ҳам келар,
Собит ҳамда устивор.
Пешкашидир ҳар йил Ватан
Ажойиб шул наҳорга.
Ҳар йил шу кун юракда
Балқар лекин бир виқор.
Аҳизим, шоир дўстим,
Қўлга ол дафтарингни,
Сен бу куннинг мисрасин
Ўзгачароқ битиб қўй.
Бугун Ватан уфқига
Кенгроқ сол назарингни,
Бу кун байрам назмининг
Кўчасидан ўтиб қўй.
Боқ, ахир, йилимизнинг
Тароватн бошқадир,
Боқ, ахир, бу байрамнинг
Совғаси бўлди бўлак.
Жонажон ўзбек элим
Топди шунчалар қадр,
Барқарор бўлди, ахир,
Неча йиллик зўр тилак.
Уч қанор пахта ортган
Четан ароба — ана,
Отини чуҳ-чуҳлаган
Соддадил бобожоним:
Октябрга илк бора
Уша элтган кўрмана.
Уша чоғдан бошланган
Асли олти милённм.
Бу кунги Абдурайим —
У Кўкан набирасн.
Пўлат отни жиловлаб,
Мўъжизалар яратган.
Улуғдан кичиккача,
Бугун, гапнинг сираси,
Аҳли жаҳон назарин
Юртим томон қаратган.
Шунчалар бўлар, ахир,
Азамат юрт меҳнати,
Шундоқ улуғ хирмонни
Байрамга этдик нисор.
Ғар достонга айланса
Ўзбекистон журъати,
Сарлавҳаси бўларди:
Октябрь ва пахтакор.

КРЕМЛДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Совет давлати тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик жарчиси сифатида 63 йил муқаддам вужудга келган эди. XX асрнинг асосий воқеаси — Улуғ Октябрь социалистик революцияси жаҳон тарихининг боришига жуда катта таъсир ўтказмоқда.

Совет халқининг бугунги зафарлари — революция ишининг бевосита давоми, ленинча ғояларнинг амалдаги мужассамидир. Совет кишилари бошқа шонли сана — СССР Конституцияси кунидан кейин ўз миллий байрамини нишонлай туриб Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига янада маҳкамроқ жипслашмоқдалар. КПСС XXVI съездига тайёргарлик марксизм-ленинизм ғояларига, Октябрь ишига чексиз садоқатнинг таъсирчан намойишидир. Миллион-миллион совет кишилари бўлажак партия анжумани шарафига зарбдор меҳнат вахтасида турмоқдалар.

Партиямиз халқ бахт-саодати тўғрисидаги ғамхўрликни ҳамиша бўлганидек ҳозир ҳам бутун амалий иш марказига қўймоқда. «Партия ўз съездини, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленумида сўзлаган нутқида, — халқ билан чамбарчас бирликда, ички ва ташқи сиёсат соҳасида аниқ ҳаракат программаси билан кутиб олмоқда».

Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, партия ветеранлари, фан ва маданият арбоблари, министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти жангчилари, пойтахт ва Москва области меҳнаткашларининг намояндалари 6 ноябрь куни Москвада Кремлнинг Съездлар саройида тўпландилар. Бу ерда халқ депутатлари Москва Совети билан КПСС Москва шаҳар комитетининг меҳнаткашлар вакиллари ва Москва гарнизони жангчилари билан бирга Улуғ Октябрнинг 63 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлди.

Мажлис аҳли Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков ўртоқларни ўринларидан туриб гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Президиумда социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий-маъмурий кенгашининг Раиси, Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссиясининг раиси Менгисту Ҳайле Марнам, Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Арисменди, Норвегия Компартиясининг Раиси М. Г. Кнутсен, Чили Компартиясининг бош секретари Л. Корвалан, Мадагаскар мустақиллиги конгресси партиясининг Бош секретари Ж. Рабесахала ҳам бор эди.

Залда кўпгина чет эллик меҳмонлар, ажнабий дипломатлар ўтиришибдилар.

Тантанали мажлисни Москва Совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промислов очди.

Мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихоновни самимий кутиб олдилар. У «Ленин васиятларига мувофиқ, Октябрь йўлидан» мавзуида доклад қилди.

Доклад зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди.

Тантанали мажлис тугади. Зал гумбазлари остида Совет Иттифоқи Гимни янграйди.

Сўнгра байрам концерти қўйиб берилди, концерт зўр муваффақият билан ўтди. Унда Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, мамлакатнинг бошқа шаҳарларида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган тантанали мажлислар бўлиб ўтди.

(ТАСС).

ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИГА МУВОФИҚ, ОКТЯБРЬ ЙЎЛИДАН

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланиб Кремлнинг Съездлар саройида 1980 йил 6 ноябрда ўтказилган тантанали мажлисда ўртоқ Н. А. ТИХОНОВ доклади

Азиз ўртоқлар!

Ҳар бир даврда кўпдан-кўп унутилмас воқеалар, шонли саналар ва шуҳратли номлар кўп бўлган. Аммо улар орасида ўз миқёси, тарихнинг бутун боришига чуқур таъсир ўтказиши жиҳатидан ўз замонаси доираси билангина чекланмайдиган воқеалар, саналар ва номлар яққол ажралиб туради. Улар ўтмишгагина эмас, инсониятнинг ҳозирги куни ва келажагига ҳам мансубдир.

Россия ишчи ва деҳқонлари большевиклар партияси, улуғ Ленин раҳбарлигида амалга оширган Улуғ Октябрь социалистик революцияси айни мана шундай жаҳоншумул тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди.

Октябрнинг ғалабаси инсониятнинг капитализмдан социализмга ва коммунизмга ўтишига асос солди.

Бугунги тантанали мажлис қатнашчиларини, қаҳрамон ишчилар синфимизни, шонли колхозчи-деҳқонларни, халқ зиёлиларини, шавкатли Совет Армияси ва флотининг жангчиларини, барча совет кишиларини партия Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан байрам билан — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги билан қалбдан табриклашга ижозат бергайсиз!

Биз Октябрь Ватанига келган меҳмонларимизни қизғин табриклаймиз ва барча чет эллик дўстларимизга, ўртоқларимизга ҳамда муштарак буюк идеалларимизнинг тантанаси учун курашдаги сафдошларимизга революцион салом йўллаймиз!

1917 йилнинг 7 ноябри тарихий куни бизнан олисларга борган сайин Октябрь ғалабасининг улуғворлиги, унинг жаҳон революцион жараёни ривожига, халқлар тақдирига таъсири шу қадар тобора яққолроқ кўринмоқда.

Коммунизм қураётган совет кишиларининг улуғ ишларида, қардош социалистик мамлакатларнинг ютуқларида, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг муваффақиятларида, меҳнаткашларнинг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун, империализмга қарши курашида, халқларнинг мустаҳкам тинчликка бўлган кучли иродасида ленинизм ғоялари, Октябрнинг жонли нафаси намоён бўлмоқда.

Коммунистик партия билан совет халқи Октябрь революциясининг бу йилги байрамини КПСС XXVI съездига тайёргарлик кенг авж олган вазиятда кутиб олмоқдалар. Мана шундай масъулиятли даврда партиямизнинг жанговар революцион ижодий роли, коммунистларнинг, барча совет кишиларининг Ленин васиятларига мувофиқ яшаш ва ишлашга, Октябрнинг порлоқ йўлидан коммунизм сари олға боришга юксак интилиши янги куч билан кўзга ташланиб турибди.

* * *

Ўртоқлар! Октябрь — тинчланаворлик билан ишчанлик ни, революцион ишлар улуғворлиги билан коммунистик келажакка интилишни ўзида бирлаштирувчи байрамдир.

Владимир Ильич Ленин бундай деган эди: «Революциямизнинг бир йиллигини байрам қилиб турган кунимизда революциямиз босиб ўтган йўлга бир назар ташлаб ўтишимиз лозим. Бизга революциямизни ниҳоятда қийин бир шароитда бошлашга тўғри келди, бундан кейин ишчиларнинг жаҳонда бўладиган революцияларидан ҳеч бири бунчалик қийин шароитда бўлмайди, шунинг учун босиб ўтган бутун йўлимизни ёритиб беришга ҳаракат қилиб кўришимиз, шу вақт ичида нималарга эришганлигимизни назардан кечириб чиқишимиз айниқса муҳимдир» (Тўла Асарлар тўплами, 37-том, 157—158-бетлар).

Ёш Совет республикаси вазифаларнинг янгилигидан ҳам, қийинчиликлар ва тўсиқлардан ҳам чўчимай, социалистик ўзгаришларнинг ҳали ҳеч ким босиб ўтмаган йўлига дадил қадам қўйди. Меҳнаткашлар оммаси эски дунё ҳамма кучларининг жон-жаҳди билан қилган қаршилигига қарамай, ҳокиятни ўз қўлига олиб, хусусий мулкчиликнинг ҳукмронлигини, эксплуатация ва зулмни тугатди, революциянинг энг бош вазифасини — бунёдкорлик вазифасини ҳал этди.

Тарихий ижодкорлик озодлиги нималигини билиб олган халқ социалистик индустриялашни, қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни, маданий революцияни амалга оширди.

Булар — беғубор мамлакатнинг қиёфасини янгилаб юборган илҳомбахш революцион ва меҳнат зафарлари бўлди.

Совет халқи Октябрь, социалистик тузум ғалабаларини фашизмга қарши қаҳр-ғазаб жангида қаттиқ туриб ҳимоя қилди, жаҳон цивилизациясини омон сақлаб қолди.

Ғалабанинг 35 йиллигида биз ўша даҳшатли, унутилмас йилларнинг жасоратларини яна эсга оламиз.

Улуғ Ватан уруши фронтларидаги мардлик, мамлакат ичкарисидаги фидокорона меҳнат халқ хотирасида абадий яшаб, янги-янги авлодларни Ватан манфаатлари йўлида шонли ишларга руҳлантираверади.

Уруш тамом бўлгач, совет кишилари сўнмас жасорат — тикланиш жасоратини кўрсатдилар. Урушдан кейинги беш йилликлар Ватанимизнинг ҳар томонлама тараққий этишида унутилмас босқичлар бўлиб қолди.

Социалистик тузумнинг қаҳрамонлиги мамлакатни иқтисодий қудратнинг, фан ва маданият равнақининг янги поғоналарига кўтарди.

Ривожланган социалистик жамият барпо этилганлиги партия билан халқнинг буюк жаҳоншумул-тарихий ютуғи, унинг революцион — ўзгартувчилик фаолиятининг бош натижаси бўлди.

СССРнинг янги Конституцияси — дунёда биринчи социалистик умумхалқ давлатининг Асосий Қонуни Октябрнинг, Коммунистик партия билан совет халқининг улуғвор мадҳияси бўлди.

Ривожланган социализм чўққиларига кўтарилиш, КПССнинг XXIII, XXIV ва XXV съездларида ишлаб чиқилган партиянинг бош йўлини амалга ошириш, коммунистик қурилишдаги муваффақиятларимиз ленинчи Марказий Комитет, унинг Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюросининг кўп қиррали фаолияти билан чамбарчас боғланган.

Партия билан халқ ўртоқ Леонид Ильич Брежневни ўзининг доно раҳбари, даврримизнинг атоқли сиёсий арбоби, коммунизм ва тинчлик учун улуғ курашчи, ўзининг қайноқ қалби ва донишмандлиги билан миллион-миллион кишиларнинг меҳнати ва турмушига тааллуқли ҳамма нарсаларга бениҳоя сезгир инсон, деб биладилар.

Ўртоқлар! Советлар мамлакати коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида дадил олға бормоқда.

Унинг иқтисодий потенциали қудратлидир. Мамлакатимиз беш кун мобайнида ишлаб чиқараётган миллий даромад биринчи беш йиллик арафаси — 1928 йилдаги бутун йиллик миллий даромад ҳажмига тенг келади.

Совет Иттифоқи ҳозир бутун ер юзидаги саноат маҳсулотининг бешдан бир қисмини ишлаб чиқармоқда. Мамлакат пўлат, нефть (шу жумладан, газ конденсати), темир ва марганец руда, кокс, минерал ўғит, цемент, тепловоз ва электровоз ҳамда бошқа баъзи турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринда турибди.

Совет кишилари кундалик меҳнатлари жараёнида чинакам баҳодирона ишлар қилмоқдалар — шаҳарлар бунёд этмоқдалар, улуғвор магистралларни қурмоқдалар, замонавий корхоналарни, дунёда энг катта гидравлика ва атом электр станцияларини барпо қиямоқдалар, Узоқ Шимол, Сибирь ва Узоқ

(Давоми иккинчи бетда).

ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИГА МУВОФИҚ, ОКТЯБРЬ ЙЎЛИДАН

(Боши биринчи бетда).

Шарқ бойликларини ўзлаштирмоқдалар, Россиянинг Ноқоратупроқ ўлкасини обод қилмоқдалар, барча иттифоқдош республикаларнинг экономикаси ва маданиятини муваффақиятли ривожлантирмоқдалар.

Мамлакатнинг ҳамма ишларида қаҳрамон ишчилар синфи ғоят катта роль ўйнамоқда. Юксак социалистик онг сохиби бўлган, партия идеалларига, шонли анъаналарга чуқур садоқатли ишчилар синфи улуғ революция эстафетасини муносиб давом эттирмоқда, коммунизм бинокорларининг олдинги safida бормоқда!

Партиянинг КПСС Марказий Комитети 1965 йил март Пленуми қарорларида асос солинган ҳозирги аграр сиёсати негизида қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш соҳасида жуда катта иш қилинди. Шу тармоқни ривожлантиришга кейинги уч беш йиллик мобайнида 400 миллиард сўмга яқин капитал маблағ сарфланди. Бу—қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини анча мустаҳкамлаш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш имконини берди: кейинги уч беш йиллик ичида қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми бир ярим баравар кўпайди.

Ҳозир мамлакат далаларида ҳосилни йиғиштириб олиш ишлари тугалланмоқда.

Қозоғистон ғаллакорлари ажойиб меҳнат қилдилар. Улар Леонид Ильичга берган ваъдаларини шараф билан бажариб, давлат омборларига 1 миллиард пуддан ортиқ ғалла тўкдилар. Шу беш йилликда республика мамлакатга тўрт марта 1 миллиард пуддан дон берди. Бу юксак марралар Қозоғистон учун норма бўлиб қолмоқда. Тилларда достон бўлган қўриқ ерлар мана шундай мўл ҳосил бермоқда, ўртоқлар!

Кубань, Ставрополь, Бошқирдистон АССР, Оренбург, Харьков, Новосибирск, Белгород областлари ва мамлакатнинг бошқа районлари меҳнаткашлари дон тайёрлашда салмоқли натижаларга эришдилар.

Пахтадан рекорд миқдорда—тўққиз ярим миллион тоннадан зиёд ҳосил олинди. Пахтакорлар ўнинчи беш йиллик планида белгиланган марралардан анча ўзиб кетдилар. Ўзбекистон меҳнаткашлари 6 миллион тоннадан кўп пахта топшириб, ғоят катта ҳисса қўшдилар. Озарбайжон ва Тожикистон пахтакорлари ажойиб натижаларга эришдилар.

Имкони борича кўпроқ ҳосил етиштириш ва уни йиғиштириб олиш учун филокорона ишлаган барча кишиларга партия Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг самимий миннатдорчилигини изҳор этишга ижозат бергайсиз!

Социализмнинг жуда катта афзаллиги шундан иборатки, у инсон даҳосининг улуғ ютуқларини тараққиёт ва тинчлик манфаатларига хизмат қилдирди. Биз илм-фаннинг муваффақиятлари билан, атом энергиясидан тинч мақсадларда биринчи бўлиб фойдалана бошлаганимиз, космосга биринчи бўлиб чиққанимиз билан фахрланишга ҳақлимиз. Йигирма йилдан камроқ вақт ичида Юрий Алексеевич Гагаринни бутун дунёни ҳайратга солган биринчи парвозидан ҳозирги кўп ойлик космик экспедицияларгача бўлган мислсиз йўл босиб ўтилди.

Ер юзи халқлари совет космонавтлари билан бирга қардош социалистик мамлакатларнинг гражданлари иштирокида яқинда амалга оширилган учишларини зўр эътибор билан кузатиб турдилар. Бу парвозлар социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари қардошлиги буюк кучининг янги тимсоли бўлди.

Ўртоқлар! Давлатнинг имкониятлари ва ресурслари нақадар кўпайса, совет кишиларининг моддий ва маънавий эҳтиёжлари ҳам шу қадар тўла-тўкис ва ҳар томонлама қондириларкан.

Ўнинчи беш йилликда кенг миқёсдаги социал программа амалга оширилди, халқ фаровонлигининг янада ўсиши таъминланди. Истеъмол фонди 60 миллиард сўмликдан зиёд кўпаяди. Ҳар йили 10—11 миллион совет киши янги уйларга кўчиб чиқмоқда. Аҳолининг реал даромадлари кейинги уч беш йиллик ичида қариб 2 ҳисса ортди. Меҳнаткашлар даромадларининг асосий манбаи бўлмиш иш ҳақи муттасил ошмоқда. Кейинги ўн беш йил мобайнида халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 баравар ошди. Уларнинг турлари кўпайди, сифати яхшиланмоқда. Ўнинчи беш йилликнинг ўзидагина халқ учун 790 миллиард сўмлик ёки тўқизинчи беш йилликка нисбатан 170 миллиард сўмлик кўп мол ишлаб чиқарилди.

Ижтимоий истеъмол фондлари — халқ фаровонлигини оширишда тобора кўпроқ муҳим роль ўйнамоқда. Шу беш йилликда бу фондлар 527 миллиард сўмдан иборат жуда катта миқдорга етди.

Иқтисодий ютуқларимиз ва социал ғалабаларимиз совет кишиларида янги ғайрат ва илҳом туғдирмоқда, келажакка ишончни, умидворлик туйғусини мустаҳкамламоқда.

Ўз-ўзидан равшанки, ўртоқлар, партия ҳал этилмаган масалаларни ҳам, экономика соҳасидаги камчиликларни ҳам, қийинчиликларни ҳам кўриб турибди. Леонид Ильич Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумидаги чуқур мазмунли нутқида мамлакат социал иқтисодий ривожининг энг муҳим проблемалари атрофлича таҳлил этиб берилди, коммунистик қурилишнинг туб масалалари юзасидан катта умумлашмалар қилинди.

Бу нутқ халқ фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик руҳи билан суғорилган, унда КПССнинг XXVI съездига қандай принципиал муҳим ғоялар ва йўл-йўриқлар билан бораётганлиги баён этилган.

Партия ўртага қўйган шу кунлардаги бош сиёсий вазифа—зўр иқтисодий потенциалимиздан ва социалистик планли экономика афзалликларидан максимал равишда фойдаланишдан, ҳамма резервларни халқ хўжалигига хизмат қиллиришдан, хўжалик фаолиятидаги камчилик ва нуқсонларни қатъиян ва зўр ғайрат билан тугатишдан иборат.

Мана шу принципиал йўл-йўриқларга биноан СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг янги беш йилликка ва анча олис истиқболга мўлжалланган асосий йўналишлари лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Ҳозир экономикамизни ҳалол меҳнат билан янада юксалтириш, совет кишиларининг турмушини янада яхшилаш учун шароит яратиш—барча партия, давлат ва хўжалик ташкилотларининг бурчидир, ҳар бир совет меҳнаткашининг бурчидир.

Партия қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришни таъминлашни, озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат ҳом ашёси етиштиришни кўпайтиришни ўзининг жуда катта социал-иқтисодий вазифаси, деб билмоқда.

Леонид Ильичнинг ташаббуси билан озиқ-овқат комплекс программаси ишлаб чиқилмоқда, бу программа қишлоқ хўжалигини ва саноатнинг унга хизмат қилувчи тармоқларини ривожлантириш, планлаштириш, бошқариш, пул билан таъминлашнинг ҳамма масалаларини бир бутун қилиб бирлаштириши лозим.

Янги беш йилликнинг биринчи йилида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта капитал маблағ сарфланади, кўп миқдорда техника, минерал ўғит ажратиб берилади. Мана шуларнинг ҳаммасидан қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш, уни асраш, сифатли қайта ишлаш ва истеъ молчига яхши ҳолатда етказиб бериш учун омилкорлик билан фойдаланиш зарур.

Ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир меҳнат коллективи аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашда, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш ва сифатини оширишда ўзининг конкрет ўрнини топиб олиши керак. Бу муҳим ва катта ишда халқ депутатлари Советларининг, барча министрликлар ва идораларнинг роли масъулиятлидир.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган план топшириқлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш, имкониятлар ва ресурслардан максимал равишда фойдаланиш, ҳар бир фойдали ташаббусни ўз вақтида пайқаб олиш, қўллаб-қувватлаш ва кенг оммалаштириш зарур.

Коммунистик партия билан Совет давлати учун халқ бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилишдан кўра олий иш йўқ!

Партия халқ хўжалигига юксак пировард натижаларга эришиш манфаатларини кўзлаб, индустриянинг база тармоқларини—энергетика, химия, металлургия, машинасозлик, капитал қурилиш ва транспортни ривожлантиришга экономика самаралорлигини, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш позицияларида туриб ёндашмоқда.

Атом энергетикасини ривожлантириш суръатларини ошириш, электр станцияларда ишлатилаётган нефть улушини қисқартириш, табиий газ қазиб олишни тез кўпайтириш, энергиянинг энг самарали ва янги турларидан оқилона фойдаланиш, серунум ва тежамли машина-ускуналарни, энергияни тежайдиган технологияларни вужудга келтириш ва жорий этиш халқ хўжалигини ёқилғи ва энергия билан янада барқарор таъминлашни йўлга қўйиш имконини беради.

Химия саноатини муваффақиятли ривожлантириш аввало ишлаб турган қувватларни тез ўзлаштиришга ва улардан максимал фойдаланишга боғлиқ.

Пластмасса, химиявий тола, маиший химия маҳсулотлари, минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарур. Ҳозирги замон катта химияси —экономика самарадорлигини анча оширишнинг энг муҳим неғизидир.

Металлурглар металл маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш, прокат ва қувурларнинг энг тежамли турларини кўпроқ ишлаб чиқариш, асосий машина-ускуналарни янгилаш, технология жараёнларини такомиллаштириш, хом ашё базасини мустаҳкамлаш соҳасида кўп иш қилишлари керак.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларидаги фан-техника тараққиёти, меҳнат унумдорлигининг ўсиши аввало машинасозликнинг даражаси билан белгиланади. Заводларимизда ишлаб чиқарилаётган ҳар бир янги станок, машинада илм-фаннинг, инженерлик, конструкторлик фикрининг энг янги ютуқлари, аниқ иқтисодий ҳисоб-китоб ва энг яхши амалий тажриба мужассамлашган бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш миқёсларининг кенгайиши, унинг ихтисослашуви ва кооперациялашуви чуқурлашиши, Сибирь ва Узоқ Шарқ районларининг кенг миқёсда ўзлаштирилиши транспортнинг, айниқса темир йўл транспортининг аҳамиятини ҳар қачонгидан ҳам оширади. Транспортнинг прогрессив турларини, айниқса қувурлар орқали юк ташишни ривожлантириш, темир йўлларнинг техника билан таъминланишини ошириш, норационал юк ташишларни қатъиян тугатиш, бекор туришларга йўл қўймаслик, транспорт турларининг ҳамма бўғинлари пухта ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишини таъминлаш — партия, совет ва хўжалик органларининг энг зарур вазифаси, барча транспорт ходимларининг бевосита бурчидир.

Кўп миллионли қурувчилар армиясининг куч-ғайрати халқ хўжалигининг ишга туширилаётган объектларига, уй-жой қурилиш планларини сўзсиз бажаришга ва унинг сифатини оширишга марказлаштирилиши керак. Капитал қурилишда маблағ, материал ва меҳнат ресурсларининг сочиб юборилишига, маҳаллийчилик ва маҳкамачилик кўринишларига тоқат қилиб бўлмайди.

Барча тармоқлар ходимларининг муштарак вазифаси фан ва техника ютуқларини, илғор тажрибани кенг жорий этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни анча оширишдан ва унинг сифатини яхшилашдан иборат. Бу капитал чиқимларни қисқартириш, анча тезроқ самара олиш ва меҳнат ресурсларидан халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида фойдаланиш учун тежаб қолиш имконини беради.

Ўртоқлар! Социализм — барча моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона, тежамли фойдаланиш принципи амал қиладиган жамиятдир.

Жамиятнинг иқтисодий манфаатлари, коммунистик ахлоқ талаблари, совет кишиларининг ватанпарварлик туйғулари исрофгарчилик психологияси билан муросасизлик қилишга йўл қўймайди.

Ҳар бир хўжаликнинг доимо конкрет айбдори бор. «Аммо, Орел область Совети бир гуруҳ депутатлари «Известия» газетасида ҳақли равишда ёзганларидек, айбдор бўлган киши халқ мулкини бузганлиги ёки талон-тарож қилганлиги учун қонуннинг бутун қаттиқ талабларига мувофиқ камдан-кам жавобгарликка тортилмоқда. Ҳолбуки унинг қилмиғидан қатъи назар жавобгарликка тортиш керак». Бу — давлат нуқтаи назаридан тўғри ёндашишдир, ўртоқлар! Инсоннинг мавқеи аввало унинг меҳнати натижалари билан белгиланадиган жамиятда, фақат ишлаб чиқарилган, тежаб қолинган ва иқтисод қилинган нарсаларгина халқ фаровонлиги учун тақсимланиши мумкин бўлган жамиятда ҳар қандай исрофгарчиликка тоқат қилиш мумкин эмас. Ҳар бир коммунист, комсомол, касаба союз аъзоси, ҳар бир совет граждани иқтисод ва тежамкорлик учун ҳақиқий курашчи бўлиши керак.

Хўжалик механизми ва халқ хўжалигини бошқаришнинг ташкил этилиши партиянинг иқтисодий стратегиясига тўла-тўкис мувофиқ бўлиши лозим. КПСС Марказий Комитети билан ҳукуматнинг қарорларига биноан планлаштиришни яхшилашга ва бошқарувнинг ташкилий структурасини такомиллаштиришга, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш манфаатларини кўзлаб, ишлаб чиқаришда юксак пировард натижаларга эришиш учун иқтисодий воситалар ва омилларнинг ролини кучайтиришга қаратилган тадбирлар системаси амалга оширилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, экономикани интенсив ривожланиш изига ўтказишни саксонинчи йилларда ниҳоясига етказиш учун бу муҳим ишни янада зўр қатъият, ишчанлик ва ғайрат билан олиб бориш керак.

Ўртоқлар! Совет кишилари байрамни меҳнатда ажойиб муваффақиятлар билан кутиб олдилар, бу муваффақиятларга Москва ва Ленинград меҳнаткашларининг ташаббуси билан шу йилги топшириқларни Октябрнинг 63 йиллиги кунигача бажариш ва 1981 йилда барқарор ишлашни таъминлаш учун бошланган социалистик мусобақада кенг авж олдирилганлиги туфайли эришилди.

Москва саноат ходимлари маҳсулот реализация қилиш ўн ойлик топшириғини муддатидан илгари бажариб бўлдилар. Пойтахтнинг ўн минглаб ишчилари ҳозирнинг ўзидаёқ шахсий беш йиллик топшириқларини бажариб қўйдилар. Бу — катта меҳнат ғалабасидир!

Барча иттифоқдош республикаларнинг миллион-миллион меҳнаткашлари оширилган мажбуриятлар олиб, ўз ваъдаларини шараф билан адо этдилар. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган ўн ойлик план бажарилди. Маҳсулотни кўпайтиришнинг тўртдан уч қисмига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди.

«Беш йилликка — зарбдор якун. КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз!» деган шиор остида умумхалқ мусобақаси кун сайин кенгайиб бормоқда. Бунда совет кишиларининг ватанпарварлиги, уларнинг жонажон партия съездини янги меҳнат ютуқлари билан кутиб олиш муддаоси аққол намоён бўлмоқда.

Ўзларининг илҳомбахш меҳнати билан Октябрь Ватанининг шуҳратини ошираётган барча кишиларга самимий миннатдорчилик ва ташаккур сўзларини айтишга ижозат бергайсизлар!

Коммунистик қурилишда пешқадамлик қилаётган Қизил байроқли колленктивларга, беш йиллик гвардиячиларига шон-шарафлар!

* * *

Ўртоқлар! Советлар мамлакатининг бутун тарихи Ленининнинг тўла демократияни амалга оширмайдиган голибона социализм бўлиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги башорати чуқурлиги ва ҳақ-қонийлигини исботлаб турибди.

Зотан бугун биз: ривожланган социализм — ҳақиқий, тўла демократия жамиятидир, деб ифтихор билан айта оламиз.

Демократиямизнинг тўлиқлиги — Конституциянда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқларнинг реаллигида ва эркинликларнинг ҳақиқийлигида намоён бўлиб турибди. Социалистик демократизм ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларига:

социалистик мулкчилик, эксплуатациядан ҳалос бўлган меҳнат ҳукмронлик қилаётган социал-иқтисодий соҳага:

халқ давлат ҳокимиятини амалга ошираётган ва жамиятни идора қилишда бевосита қатнашаётган, ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг бузилмас иттифоқи қарор топган сиёсий соҳага:

коммунистик қурилиш мақсадларига мувофиқ, барча гражданларнинг эркин илмий-техникавий ва бадиий ижодкорлиги гарантилаб берилган маънавий соҳага сингиб кетган.

Бизнинг демократиямиз — барча миллат ва элатларга мансуб гражданларнинг ҳақиқий тенглигида; уларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари бирлигида намоён бўлиб турибди.

Совет демократияси олтмиш йилдан кўпроқ вақтдан бери ривожланиб келмоқда. Мана шу бутун давр мобайнида синфий душманларимиз уни бадном қилишга урниб келмоқдалар. Ҳозир улар социализм дунёсига инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари учун кураш деган қалбаки байроқ остида ҳуруж қилмоқдалар. Аммо бу —бекуда уринишлардир. Одамлар ҳуқуқ ва эркинликлар тўғрисида фикр юритганда, бу ҳуқуқ ва эркинликлар амалда қандай таъминланаётганига қараб ҳукм чиқарадилар. Айни социалистик воқеликда меҳнаткашлар миллион-миллион меҳнат аҳлининг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳаётда чинакам инсонпарварлик билан одилона қарор топтирилаётганининг намуналарини кўриб турибдилар. Ҳеч қандай буржуа демократияси меҳнаткашларга бундай ҳуқуқ ва эркинликларни мутлақо бера олмайди.

Советларнинг юзага келиши, янги типдаги демократиянинг ривожланиши ва социалистик давлатчилигининг мустаҳкамланиши улуғ Коммунистлар партияси бошчилигидаги оммаонг революцион ижодкорлиги билан чамбарчас боғланган.

Коммунистлар партияси—марксизм-ленинизм назариясини ижодий ривожлантирувчи илғор революцион фикрли партиядир, бу — турмушнинг бутун тўлиқлиги, мураккаблиги ва қарамақаршиликларини кўриш, ижтимоий ривожланишнинг бош тенденцияларини ажратиб олиш, коммунизм учун кураш стратегияси ва тактикасини илмий белгилаш имконини беради.

Коммунистлар партияси—меҳнаткашлар оммасини улуғ идеаллар йўлидаги курашга комил ишонч билан бошлаб бораётган дадил тарихий ташаббус ва революцион ҳаракат партиясидир.

Синфий жангларда, уруш синовлари даврида ва тинч даврда коммунистлар ҳамиша олдинда бордилар. Улар ҳамиша энг хатарли ва энг қийин ишларга бош бўлиб, ҳаққоний сўз ва шахсий намуна кучи билан оммаонг ғайрати, шижоати ва қаҳрамонлигини жўш урдириб келдилар.

Коммунистлар партияси—ишчилар синфининг партиясидир, бутун халқнинг партияси, социалистик интернационализм партиясидир, ҳар қандай миллатчилик кўринишларига муросасиз партиядир.

Ленин партияси ўз сафларига ишчилар, деҳқонлар ва зиёлилар орасидан энг онгли, ҳалол, обрўли ва фидокор кишиларни танлаб олмоқда, улар мамлакатни идора қилувчи партия сафларида ўзларига интиёз изламайдилар, балки Октябрнинг улуғ иши учун қурувчилар ва курашчилар пешқадами бўлиш мақсадида партияга кирадилар.

Шунинг учун ҳам Коммунистик партия жамиятимизнинг раҳбар ва раҳнамо кучидир. Шунинг учун ҳам партия совет халқининг доимо ишонса бўладиган ўз жонажон партияси бўлиб қолди!

Партия ҳам шу ишончни қадрлайди. Партия халқ манфаатларига хизмат қилишни ўз революцион ўзгартирувчилик фаолиятининг олий мақсади, деб билади.

Омма билан жонли, чамбарчас алоқа, халқ билан мустаҳкам бирлик Ленин партиясининг сиёсий қиёфасини яққол характерлайди. Совет халқи партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитети, унинг абадий барҳаёт Ленин ишининг содиқ давомчиси Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюроси кўп қирралі ва самарали фаолиятини яқиллик билан қўллаб-қувватламоқда.

Леонид Ильич Брежневнинг буюк назарий сиёсий ва ташкилотчилик фаолияти коммунизм қурилиши илми ва тажрибасига бебаҳо ижодий ҳисса қўшмоқда, партия ва давлат иши ленинча принципларини ривожлантирмоқда, партия билан халқка садоқат билан хизмат қилишнинг ажойиб намунасини кўрсатмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси туфайли Леонид Ильич партияда зўр обрўга, умумхалқ меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди.

Ўртоқлар! Вазифаларимизнинг миқёси нақадар салобатли ва халқ оммасининг ижодкорлиги нақадар кенг бўлса, ҳамма жамоат ва давлат ташкилотлари нақадар активроқ ишласа Коммунистик партиянинг раҳнамолик роли ҳам шу қадар юқори ва масъулиятли бўлади.

Империалистик пропаганда идеология соҳасидаги ғаламисликларнинг тигини социалистик мамлакатларда партиянинг раҳбарлик роли ва партия, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни маъмуриятчилик ва буйруқбозлик, икир-чикир ишларга аралаша бериш муносабатларини қилиб кўрсатишга қаратаётганлиги бежиз эмас. Бу уйдирмалар реал турмушга мутлақо зиддир.

КПСС ўзининг раҳбарлик ролини амалга оширганда бошқа ташкилотларнинг ўрнини босишга интилмайди, аксинча у давлат ва хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари имкони борича самарали ишлашлари, ўз олдиларида турган вазифаларни ижодий ҳал этишлари тўғрисида доимо ғамхўрлик қилади.

Совет жамияти сермазмун ҳаёт кечирмоқда. Ҳар бир кун меҳнатдаги ишларга, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳалардаги муҳим воқеаларга бой.

Бу ишларда халқ депутатлари Советлари, касаба союзлари, комсомол, зиёлиларнинг ижодий уюшмалари ва меҳнаткашларнинг бошқа ташкилотлари фаол қатнашмоқдалар.

Советлар, меҳнаткашларнинг барча ташкилотлари ғоявий-сиёсий мақсадларнинг муштараклиги билан бирлашиб, аҳил ва иноқ ишлаётганликлари, халқ, умумий коммунистик иш манфаатлари йўлида ҳаракат қилаётганликлари туфайли улар фаолиятининг натижалари янада ошмоқда.

Советларнинг ишини янада такомиллаштиришга партия катта эътибор беради. Советлар эўр кучга эга бўлган ваколатли органлардир. Ҳамма боскичлардаги Советларга 2 миллион 200 мингдан ортиқ депутат сайланган. Улар кўп миллионли активларга таяниб, давлат, хўжалик ва маданий қурилишда фаол қатнашмоқдалар. СССР Олий Совети яқинда қабул қилган қарор халқ депутатлари ўлка ва область Советларига анча кенг ҳуқуқлар берди ва вазифалар юклади, бу ҳуқуқ ва вазифалар уларнинг ўз регионларини комплекс иқтисодий ва социал ривожлантириш, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, аҳолининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш масалаларини ҳал этишга анча самарали таъсир ўтказишларига имкон беради. Бинобарин, шу ҳуқуқлар тўла ҳажмда амалга оширилиши, вазифаларнинг эса оғишмай бажарилиши ҳозир айниқса муҳимдир!

Касаба союзлари шаҳар ва қишлоқдаги 127 миллиондан зиёд меҳнаткашни ўз сафларида бирлаштирувчи меҳнаткашларнинг мамлакатдаги энг оммавий ташкилотидир.

Улар давлат ва ҳар бир меҳнат коллективи миқёсида ижтимоий ишлаб чиқаришни ва бошқарувни ривожлантиришда, социалистик мусобақани ва тарбия ишини ташкил этишда жуда активлик ва бевосита қатнашмоқдалар. Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ҳуқуқига эга бўлган совет касаба союзлари ҳокимият органларида меҳнат коллективлари, барча меҳнаткашлар номидан иш кўрадилар.

Меҳнаткашларнинг манфаатларига дахлдор бўлган ҳар қандай масалаларни кўриб чиқишда касаба союз ташкилотларининг овози салмоқлидир. Маъмурият билан коллектив шартномаларнинг тузилиши ва бажарилиши, меҳнатни муҳофаза қилиш ва турмушни яхшилаш, уй-жойларни тақсимлаш, ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ставка ва тарифларини белгилаш шулар жумласига киради. Касаба союзлари кенг тармоқли санаторийлар, дам олиш уйлари, профилакторийлар, туристик базалар, спорт иншоотларига эгадирлар.

Касаба союзларининг фаолияти доирасини кенгайтириш, иш услуби ва методларини такомиллаштириш — демократиямизнинг янада таъсирчан бўлишига, кўп миллионли ленинча бошқариш мактаби, хўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби бўлмиш касаба союзларининг ролини оширишга интилиш демакдир.

Ажойиб ёшларимиз, шонли Ленин комсомоли жонажон мамлакатнинг хамма ишларига навқиронлик ғайрати, ўз ташаббусини бахш этмоқдалар. Партия билан халқ Ватанимизнинг келажаги бўлмиш ёш авлодга, унинг коммунистик идеаларга астойдил содиқлигига ишонадилар. Ижтимоий турмушнинг бирон соҳаси — ишлаб чиқариш ва савдо, соғлиқни сақлаш ва маориф, маданият ва фаннинг бирорта соҳаси йўқки, унда совет хотин-қизларининг истеъдод ва ғайрати самарали равишда қўлланилмаётган бўлсин.

Меҳрибон аёлларнинг қўли ва олижаноб, қалби билан бола саранжом. Оналар азиз болаларининг ўз Ватанининг муносиб граждани бўлиб етишишлари учун кўп куч сарфламоқдалар.

Азиз ватандош аёллар, сизларга сидқидилдан миннатдорчилик, чуқур ва ялпи ташаккур изҳор этамиз!

Жамиятимиз билан давлатимизнинг инсонга — чақалоқдан тортиб мўйсафид ветерангача қилаётган меҳрибонлиги Ер юзидаги жами меҳнат аҳлини қойил қолдирмоқда. Социализмнинг зўр жозиба кучи, унинг инсонпарварлик моҳияти ҳам ана шунда.

Совет кишисининг ҳуқуқлари ва қадр-қиммати тўғрисида, унинг ҳаққоний манфаатларини қондириш ҳақида гап борганда, барча давлат ва хўжалик органларидан, ҳамма мансабдор шахслардан алоҳида масъулият талаб қилинади.

Инсонга ҳурмат ва эътибор, ҳуқуқлар ва эркинликларнинг ҳар бир граждан ўз вазифаларини ижро этишдан ажралмаслиги демократиямизнинг мукаддас принципи бўлиб, бу принципни четлаб ўтиш ва бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Жамоатчилик фикри обрў-эътиборининг зўр кучи, меҳнаткашлар манфаатларига посбонлик қилувчи совет қонунларининг адолатли эканлиги ҳозирча тартиб бузилаётган жойларда муносиб тартиб ўрнатиш, ҳамма жойда ҳар бир совет кишиси яхши ишлаб, ҳосилдорликка ва ишлаб чиқаришга эришиш имконини беради.

Ер юзидаги жамики ғўзаликнинг ижодкори ва буйлаги бўлмиш меҳнат аҳли социализмнинг бебаҳо бойлиги бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади!

Ўртоқлар! Бизнинг Ватанимиз ягона аҳил оилага бирлашиб, совет халқи номини олган эркин ва тенг ҳуқуқли миллат ҳамда элатларнинг мамлакатидир. Бу йил совет кишилари кенг миқёсда нишонлаган Қозоғистон ССР билан Озарбойжон ССРнинг 60 йиллиги, Литва, Латвия, Эстонияда Совет ҳокимияти қайта тикланганлигининг 40 йиллиги, автоном республикаларнинг юбилейлари байрамлари ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси бўлди.

Халқларимиз қардошлиги ва ўзаро ҳурматининг бузилмас риштали — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг улуғ зафарбахш қучидир, унинг қудрати ва равнақининг битмас-туганмас ҳаётбахш манбаидир.

Жамиятимиз ўзининг ғоявий ва сиёсий жипслиги билан, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва зиёлиларнинг бузилмас иттифоқи билан, барҳаёт марксизм-ленинизм ғоялари туфайли бирлашган халқларимизнинг дўстлиги билан, коммунистик қурилишнинг улуғ иши билан қучлидир.

Партия Октябрь туфайли юзага келган ва социализм ғалабаси туфайли қарор топган шу бирлик ва қардошлик ўсиб ,мустаҳкамланиши учун бундан буён ҳам ҳамма ишни қилаверади.

Съезд арафасида партия ташкилотларида ўтказилаётган ҳисобот-сайлов кампанияси мамлакатимиздаги бутун ижтимоий-сиёсий муҳитга жуда катта таъсир қилмоқда.

Омма орасида, бевосита меҳнат коллективларида иш кўраётган бошланғич партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов йиғилишлари ниҳоясига етмоқда.

Партия йиғилишлари ва конференциялари партиямиз кучларининг съездолди жанговар кўриги бўлиб, ҳар бир коммунист қандай ишлаётганлигини, ўзининг партиявий ва ижтимоий бурчини нечоғли бажараётганлигини, у камчилик ва нуқсонларга қанчалик муросасиз эканлигини, хотиржамлик ва бепарволикка нақадар ёт эканлигини, турмушда қамтарилигини талабчанлик билан текширувдан ўтказмоқда. Меҳнатдаги ҳар бир амалий одами билан, кураши ва ғаёти, шон-шарафи ва виждони билан партиявийлик принципини қарор топтириш — коммунист-ленинчи деган ғоят масъулиятли номни юксак даражада тутиш демакдир!

Идеологик, сиёсий тарбиявий ишлар бутун партиянинг ишидир. Бу чуқур мазмунли ибора социалистик жамият ҳаётида идеология ва тарбиявий ишнинг роли ҳамда аҳамиятини очиб беради. Идеология воситаларининг бой арсенали, хўжалик практикаси, ҳаётимизнинг бутун ўкладаги совет кишисининг энг яхши ғоявий ва маънавий фазилатларини шакллантиришга даъват этилган. Оммабоп, актуал, реалистик ахборот ва тушунтириш ишлари жамиятимиз олдида турган вазифаларни мухокама қилиш ва ҳал этишга меҳнаткашларнинг тобора кенг оммасини актив жалб этишга кўмаклашмоғи лозим. Бунда буржуа пропагандасининг кирдиқорларига қарши актив кураш олиб бориш, ўтмиш саркиталарини, жамиятга зид кўринишларни бартараф этишда кучайратни бирон дақиқа ҳам бўшаштирмаслик керак.

Ҳар бир партия ташкилоти ижобий тажриба билан қуролланиб олиб, янги резерв ва имкониятларни аниқлаб, меҳнаткашларнинг таклифларини диққат эътибор билан ҳисобга олиб, етилган социал-иқтисодий ва ғоявий-тарбиявий вазифаларни ҳал этишга ўзининг конкрет ҳиссасини қўшади.

Совет кишилари — Октябрь буюк ғалабаларининг меросхўрлари ва давомчиларидир. Уларнинг ижодий бунёдкорлик меҳнатида, юксак ижтимоий активлигида совет тузумимизнинг афзалликлари намоён бўлмоқда. «Буюк революция халқ ижодиётига жуда катта имкониятлар очиб берди» Бу эса В. И. Ленин ютиб ўтганидек муваффақиятларимиз ва ғалабаларимизнинг ишончли гаровидир. Совет кишилари келажакка ишонч билан қарайдилар, зотан келажак ҳамиша халқ оммасининг жонли ижоди бўлган жамиятникидир.

* * *

Ўртоқлар!

Меҳнат ҳукмрон бўлган жамиятнинг ташқи сиёсати тинчлик сиёсати бўлган, шундай сиёсат бўлиб қолмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлади. «Тинчлик инсоният учун мислсиз бойликдир, — деб таъкидлади Леонид Ильич Брежнев. — Тинчлик ва халқлар ўртасидаги ҳамкорлик байроғини В. И. Ленин кўтарган эди. Бу байроққа биз содиқ бўлиб қоламиз».

Ташқи сиёсатимизнинг агрессияга ва уруш тайёрлашга қарши курашга, мустаҳкам тинчлик ва халқлар ҳавфсизлиги учун курашга қатъиян йўналтирилганлиги халқаро майдонда Ленин партиясининг, Совет Иттифоқининг обрў-эътиборини беқиёс ошириб юборди. Тинчлик ва инсониятнинг келажагини қадрлаган ҳамма кишилар Октябрь Ватанига, Ленин партиясига, Леонид Ильич Брежневга нигоҳ ташламоқдалар. Унинг янги жаҳон уруши олдини олиш, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш учун олиб бораётган тинимсиз кураши, ғоят мураккаб халқаро муаммоларни ҳал этишдаги донолиги ва узоқни кўриб иш тутиши ер юзидаги миллион-миллион кишилар қалбида Леонид Ильичга нисбатан чуқур ҳурмат-эҳтиром ва қизғин миннатдорчилик ҳиссиётларини уйғотмоқда, тинчлик идеаллари тантанасига бўлган ишончни мустаҳкамламоқда!

Совет Иттифоқи тинчликни, социал тараққиёт ишини ҳимоя қилиб ва мустаҳкамлаб, қардош социализм мамлакатлари билан ягона сафда бормоқда. Социалистик ҳамдўстлик давлатларининг ҳар томонлама сиёсий ҳамкорлиги, иқтисодий, фан-техника, маданий ва ҳарбий соҳаларда уларнинг маҳкам ҳамжиҳатлиги — социализмнинг қудрати ва таъсирини янада мустаҳкамлаш гарови, уруш оловини ёқувчиларнинг ҳар қандай кирдиқорларига қарши ишончли қалқондир.

Бу нарса ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг қардош партиялар ва давлатларнинг раҳбарлари билан яқинда бўлиб ўтган учрашувларида яна бир бор таъкидлаб ўтилди. Социалистик давлатларнинг ҳамдўстлиги нечоғли мустаҳкам бўлса, жаҳон социализмининг таъсири шу қадар кучли, халқаро ҳавфсизлик шу қадар ишончли ва тинчлик иши шу қадар мустаҳкам бўлади. Бугунги кунда биз шуни мамнуният билан айта оламизки, барча қийинчиликл

ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИГА МУВОФИҚ, ОКТЯБРЬ ЙЎЛИДАН

(Бошы 1- ва 2- бетларда).

Бундан бир йил муқаддам АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари Ғарбий Европа мамлакатларида ўртача узоқликни мўлжалга олувчи янги Америка ракета-ядро қуролларини жойлаштириш ҳақида қарор қабул қилдилар. Бу қурол-яроғлар СССР ҳамда Варшава Шартномаси қатнашчилари бўлган бошқа мамлакатларнинг территорияларидаги объектларни мўлжалга олишга қаратилгандир. Бу — жуда хавфли хатти-ҳаракат бўлиб, Европада ҳамда ундан ташқарида қуролланиш пойгасини ва уруш хавфини кучайтириши мумкин.

СССР воқеаларнинг хавфли ривожининг олдини олишга қаратилган муҳим ижобий таклифларни илгари сурди. Айни шу ташаббус Европада ядро қуроли билан қуролланишни чеклаш юзасидан яқинда Женевада музокаралар бошлаб юбориш имконини берди.

Ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати тинчлик йўлини ва кескинликни юмшатиш йўлини изчил олиб бормоқда, совет кишиларининг тинч хаётини таъминлаш учун ҳамма зарур ишларни қилмоқда.

Ўз-ўзидан равшанки, АҚШ ташқи сиёсатида тинчлик иши учун хавфли тенденциялар кучайганлиги, халқаро проблемаларни зўравонлик позициясидан туриб ҳал этишга интилишлар бўлаётганлиги муносабати билан биз ўзимиз учун тегишли хулосалар чиқариб олмаслигимиз мумкин эмас. Совет Иттифоқи ўзининг хавфсизлигини ва ўз иттифоқчиларининг хавфсизлигини таъминлаш, тинчлик ва тараққиёт ишини ҳимоя қилиш учун барча зарур чораларни кўради. Бунга ҳеч ким шубҳаланмаса бўлади!

Бизнинг АҚШ билан муносабатларимизга келганда, шуни айтиш керакки, бошқа сошиал системага мансуб ҳар қандай мамлакат билан бўлгани каби бу муносабатлар фақат тенглик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, хавфсизлигига путур етказмаслик негизигагина қурилиши мумкин. Совет Иттифоқи тинч-тотув яшаш принципига қатъий риоя қилган ҳолда, АҚШ билан муносабатларда қандайдир бир томонлама имтиёзларни кидирган эмас ва қидирмаяпти, ҳарбий устунликка эришишга интилмаяпти. Биз Совет ва Америка халқларининг манфаатлари йўлида, кескинликни юмшатиш ва тинчликни сақлаб қолиш манфаатлари йўлида Ғарбдаги бу энг йирик мамлакат билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш тарафдоримиз. Бизнинг бу йўлимиз ҳар қандай ора-сира иккиланишлардан ҳоли, барқарор характерга эга бўлган йўлдир. Бунда биз Совет — Америка муносабатларининг аҳволи умуман халқаро вазиятга катта таъсир ўтказишини ҳисобга оламиз. Бу ҳол ҳамиша ва ҳамма нарсадан юксак масъулият ҳисси кўрсатишни тақозо этади. Шу муносабат билан Оқ уйнинг янги маъмурияти мамлакатларимиз ўртасидаги муносабат масалаларига ижобий ёндашадилар, деб ишонч билдиргимиз келади.

Империализм кучлари билан Пекин гегемонизмининг чирмашиб кетаётганлиги халқларнинг безовталигини кучайтирмоқда. Уларнинг ҳар иккови ҳам бир-бирини Осиёда ҳамда жаҳонининг бошқа районларида хавфли авантюралар қилишга итариб, ўзларининг агрессив ниятлари ва хатти-ҳаракатларини «Совет ҳарбий хавфи» деган сохтакорликлар билан ҳас-пўшламоқчи бўлмоқдалар. Жамоатчилик фикрини чалғитишга эришиш имкониятлари қанчалик кам бўлса, Советларга қарши маддоҳларнинг овози шу қадар жазавали чиқмоқда. Совет Иттифоқи ўзининг снёсати, ўзининг ишлари билан аллақачон шу нарсани исботлаб берганки, у ҳеч кимга таҳдид қилаётгани йўқ ва таҳдид қилишга ниятмаяпти ҳам. Бу гап Хитойга ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир. Биз Хитой билан ҳам нормал муносабатларда бўлиш ва бу муносабатларни ривожлантиришга тайёрмиз.

Афғонистон революцион халқининг қаҳрамонона кураши, Совет Иттифоқининг ёрдами ҳамда эрксевар халқларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли жаҳон реакциясининг революцион Афғонистонга қарши фитнаси барбод бўлди. Афғонистонга қарши кампаниянинг илҳомчилари, аввало АҚШ, Покистон ва Хитойдаги илҳомчилари афғон халқининг тараққиёт йўлини бекита олмадилар. Совет Иттифоқининг жанубий чегарасида кескинликнинг яна бир ўчоғини ярата олмадилар.

Ўртоқ Бабрак Кармалнинг яқинда мамлакатимизга қилган визити, унинг совет раҳбарлари билан олиб борган музокаралари бизнинг мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар — қардошлик, революцион бирдамлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатлари эканлигини яна бир бор намойиш қилди.

«Афғонистон янги жамият қуриш учун курашда, ўз революциясининг ғалабаларини ҳимоя қилишда, деди ўртоқ Леонид Ильич Брежнев, бундан буён ҳам Совет Иттифоқининг, совет халқининг мададига таянади мумкин».

Ўртоқлар, ишонч билан айтиш мумкинки, тинчлик кучлари уруш кучларидан кўра қудратлидир! Жаҳон халқлари ҳарбий хавфни жиловлашлари, ўз келажагини давлатларнинг тинчтотув ҳамкорлиги билан эмас, балки улар ўртасидаги карама-қаршиликка, қуролланиш пойгасини чексиз давом эттиришга боғлаётган доираларнинг режаларини барбод этишлари мумкин ва лозим. Шу олижаноб мақсадга эришиш йўлида партиямиз, совет халки кучгайратини аямайди.

Биз ўзаро манфаатларни оқилона ҳисобга олган ҳолда музокаралар йўли билан ҳал этилиши мумкин бўлмаган халқаро проблемалар йўқ, деб ҳисоблаймиз. Совет Иттифоқи ҳар қандай қуроллароғларни ва аввало ядро қуролини қисқартириш ёки тақиқлаш тўғрисида, оммавий қирғин қуролларининг янги турларини ва системаларини ишлаб чиқаришнинг олдини олиш ҳақида музокаралар олиб боришга тайёрдир.

Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг мая ойида бўлиб ўтган кенгаши тинчликни мустаҳкамлаш ҳамда кескинликни юмшатишни кучайтириш юзасидан конкрет қадамлар қўйишнинг кенг ва ижобий программасини илгари сурди.

СССРнинг таклифига биноан БМТ Бош Ассамблеясининг ушбу сессиясида «ҳарбий хавф-хатарни камайтиришнинг баъзи кечиктириб бўлмайдиган тадбирлари ҳақида»ги масала кўриб чиқилмоқда. СССРнинг қуролсизланиш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш юзасидан киритган бошқа таклифлари ҳам ўз кучида турибди.

Биз Умумевропа кенгаши қатнашчилари бўлган мамлакатлар вакилларининг Мадридда бўладиган учрашувида муваффақиятли таъминлаш учун муносиб ҳисса қўшишга тайёрмиз. Бу учрашув Европада ҳарбий кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш юзасидан бўладиган конференция учун йўл очиб бериши мумкин бўлур эди.

Ташқи иқтисодий алоқалар тинчликни мустаҳкамлаш ишида жиддий роль ўйнамоқда. Биз ўзимиз билан ўзаро мақбул ва ўзаро манфаатли шартлар асосида иш олиб боришни хохлаганларнинг ҳаммаси билан ҳамкорликни ривожлантираверамиз. Бундай мамлакатлар сони камаймасдан, балки кўпайиб бораётганлигини кўриб турибмиз. Совет Иттифоқи ўзининг мажбуриятларини аниқ бажараверади. Шерикларимизнинг ҳам худди шундай иш кўришини истардик.

Октябрь Ватани ленинча тинчликсевар, ташқи сиёсатни изчил ва оғишмай амалга оширмоқда. Бу сиёсатни бутун совет халқи маъқулламоқда ва қўллаб-қувватламоқда. КПСС, унинг Марказий Комитети тинчлик байроғини дадил олга кўтариб бормоқда.

Биз халкларнинг келажаги — уруш ва вайроналиклар эмас, балки тинчлик ва бунёдкорлик, яхши қўшничилик ҳамкорлигидан иборат бўлишига ишончимиз комилдир.

Биз худди шундай истиқбол учун бундан буён ҳам бутун куч-ғайратимизни сарфлаб курашаверамиз!

* * *

Ўртоқлар! Ленин партияси, халқимиз зиммасига дунёни революцион янгилаш йўлини, инсоният тарихида янги даврни очиб беришдек юксак шараф ва масъулият тушган эди.

Октябрь йўлида Советлар мамлакати оламшумул тарихий ғалабаларга эришди. Бу йўл коммунизм ва тинчликнинг нурафшон идеаллари тантанаси сари олиб боради. Буюк революция мана шу идеаллар тантана қилиши учун амалга оширилган эди.

Коммунистлар, барча совет кишилари бутун прогрессив инсоният билан биргаликда Октябрнинг 63 йиллигини тантанали байрам қилар эканлар, янги ажойиб муваффақиятларга эришиш, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун астойдил азму қарор қилганлар.

Яшасин коммунизм бунёдкори, бутун дунёда тинчлик учун изчил курашчи — улуғ совет халқи!

Яшасин совет жамиятининг раҳбар ва раҳнамо кучи — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Улуғ Октябрга шон-шарафлар!

(Н. А. Тихоновнинг доклади давомли қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА 1980 ЙИЛГИ СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин ва СССР Давлат мукофотлари комитетининг таклифларини кўриб чиқиб, 1980 йилги СССР Давлат мукофотларини қуйидагиларга беришга қарор қиладилар:

1. Балет ижодкорлари — СССР халқ артисти, композитор Фикрет Мешади Жамил ўғли **Амировга**, Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган саноат арбоби, балетмейстер Нела Мамедовна **Назировага**, Озарбайжон ССР халқ артисти, дирижёр Нозим Асадулла ўғли **Рзаевга**, Озарбайжон ССР халқ рассоми, спектакль рассоми Тўғрул Фармонович **Наримонбековга**, ролларнинг ижрочилари — Озарбайжон ССР халқ артисти Тамилла Худадатовна **Ширалиевага**, Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган артист Рафаэль Гургенович **Григорьянга**, — М. Ф. Охундов номидаги Озарбайжон давлат академик опера ва балет театридаги «Минг бир кеча» балети учун.

2. Драматург Алексей Николаевич **Арбузовга** — сўнгги йиллардаги пьесалари учун.

3. Архитекторлар — Татьяна Ивановна **Беляевага**, Александр Айзикович **Ливковга**, конструктор инженер Цецилия Самуиловна **Жилицкаяга**, қурувчи инженер Викентий Александрович **Желудковскийга** — Алушта шаҳридаги «Чайка» пансионат-лагери комплексининг архитектураси учун.

4. Архитекторлар — Аркадий Борисович **Бергельсонга**, Бошқирдистон АССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Георгий Иванович **Гавриловга**, Валентина Ильинична **Коркинага**, СССР халқ архитектори Михаил Васильевич **Посохинга**, конструктор инженерлар — РСФСРда хизмат кўрсатган бинокор Юрий Абрамович **Диховичнийга**, Игорь Иванович **Крайюшкинга**, инженер, халқ депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Владимир Федорович **Промисловга**, РСФСР ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор, қурувчи инженер Михаил Павлович **Коханенкога**, комплекс бригада бошлиғи Владимир Андреевич **Солозобовга**, — Москва шаҳридаги Тропарево райони жанубий қисмининг архитектураси учун.

5. Грузия ССР халқ артисти, сценарий автори ва режиссёр Лана Левановна **Гогоберидзега**, сценарий авторлари — Заира Ивановна **Арсенишвилига**, Эрлом Сергеевич **Ахвледианига**, оператор Нугзар Исидорович **Эркомайшвилига**, Грузия ССР халқ рассоми Христесий Иванович **Лебандзега**, Грузия ССР ва Арманистон ССР халқ артисти, роль ижрочиси Софья Михайловна **Чиаурелига** — «Шахсий масалалар хусусида бир неча суҳбат» бадиий фильми учун.

6. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид **Ғулом** (Ҳамид Убайдуллаевич Ғуломов)га — «Мангулик» романи учун.

7. Ёзувчи Павел Архипович **Загребельнийга** — «Жаллад» романи учун.

8. СССР халқ артисти, композитор Дмитрий Борисович **Кабалевскийга** — оркестр иштирокида фортепьянода ижро этиладиган 4. концерт («Прага») учун (Болаларга аталган адабиёт ва санъат асарларига берилган мукофот).

9. Сценарийлар автори ва эшиттиришни бошқарувчи Александр Александрович **Каверзневга** — «Мао ворислари» телевизион циклн ҳамда «Куба портретлари», «Пномпенда баҳор» ҳужжатли фильмлари учун.

10. Физика-математика фанлари доктори, профессор, программа автори ва бошқарувчи Сергей Петрович **Капицага**, сценарийлар ва программалар автори Лев Николаевич **Николаевга** — «Мўъжизасиз - мўъжизалар» телевизион программаси (кейинги йиллардаги сонлари) ва «Ноиложликнинг иложи», «Тирик қонот» «Сир» фильмлари учун.

11. РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, санъатшунослик доктори Владимир Семёнович **Кеменовга** — «Веласкес картиналари», «Веласкес СССР музейларида» китоблари учун.

12 Драматург Алексей Федотович **Коломийцга**, режиссёрлар — Украина ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Владимир Николаевич **Оглоблинга**, Украина ССР халқ артисти Сергей Владимирович **Данченкога**, ролларнинг ижрочилари — Украина ССР халқ артисти Валерий Михайлович **Ивченкога**, Украина ССР халқ артисти Богдан Сильвестрович **Ступкага** — Иван Франко номли Киев давлат Украина академик драма театри даги сўнгги йиллар спектакллари (А. Коломийцнинг «Еввой фаришта», А. Чеховнинг «Ваня тоға» асарлари) учун.

13. СССР халқ артисти Ирина Александровна **Колпаковага** — С. М. Киров номли Ленинград давлат академик опера ва балет театрида сўнгги йиллар балет спектакларида классик ва замонавий репертуар партияларининг ижроси учун.

14. РСФСР халқ артисти, сценарий автори ва режиссёр Алексей Николаевич **Сахаровга**, сценарий авторлари — РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Валентин Константинович **Чернихга**, Рудольф Константинович **Тюринга**, рассом Александр Николаевич **Толкачевга**, ролларнинг ижрочилари — РСФСРда хизмат кўрсатган артист Сергей Қаюмович **Шакуровга**, Валерий Николаевич **Рижаковга**, Эрнст Иванович **Романовга**, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Наталья Утевлевна **Аринбасаровага**, Қозоғистон ССР халқ артисти Идрис **Нўғойбоевга**, Нуржуман Бойжуманович **Ихтимбоевга** — «Нон таъми» 4- сериали бадиий фильм учун.

15. СССР халқ артисти композитор Георгий Васильевич **Свиридовга** — «Пушкин ғулчамбари» хорида ижро этиладиган концерт учун.

16. Эстония ССРда хизмат кўрсатган рассом хайкалтарош Яак Георгиевич **Соанс**га, архитектор Рейн Энделевич **Луупага**. — Таллин шаҳрида ёзувчи А. Таммсаар ҳайкали учун.

17. Академик Михаил Борисович **Храпченкога**, — «Бадиий ижодиёт, воқелик, инсон» китоби учун (2-нашри).

18. Архитекторлар — Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ҳайкалтарош Омар Гасанович **Элдоровга**, Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган архитектор Александр Петрович **Агароновга**, Рустам Жалолиддинович **Каримовга**, — Душанба шаҳрида Озарбайжон Айний ёдгорлик ансамбли учун.

КПСС Марказий Комитетининг Секретари Л. БРЕЖНЕВ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. ТИХОНОВ

ЛАВОЗИМГА САЙЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Л. И. Брежнев ва Н. А. Тихонов ўртоқлар Г. Шмидтга қуйидаги мазмунда телеграмма йўлладилар:

Муҳтарам федерал канцлер жаноблари,

Сиз Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг бошлиғи қилиб сайланганлигингиз муносабати билан қутловларимизни ва шу масъулиятли лавозимдаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилаб билдирган истакларимизни қабул қилгайсиз.

Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги муносабатлар 1970 йил 12 август Шартномаси ва мамлакатларимиз ўртасида тузилган бошқа битимлар асосида бундан буён ҳам ижобий ривожланаверади, деб умид билдирамиз. СССР билан ГФР ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорлик изчиллик билан кенгайиши давлатларимиз халкларининг туб манфаатларига шубҳасиз мос бўлиб тушади, тинчликни таъминлаш ва халқаро кескинликни юмшатиш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

* * *

Рональд У. Рейган Америка Қўшма Штатларининг президенти лавозимига сайланиши муносабати билан Л. И. Брежнев унга табрик телеграммаси йўллади.

Телеграммада бундай дейилади:

«Сизнинг бу юксак лавозимдаги фаолиятингиз мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни Совет ва Америка халкларининг манфаатларини, тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб яхшилашга хизмат қилади, деб умид билдирамаман».

(ТАСС).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

САМАРҚАНД, 6 ноябрь. (ЎзТАГ). Самарқанд область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленуми қатнашчилари КПСС XXV съезди қарорлари асосида область халқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш ва иш сифатини яхшилаш тадбирларини муҳокама қилдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов доклад қилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясига келаётган депутатлар 10 ноябрь эрталаб соат 10 дан кечкурун соат 19 гача Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми биносида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси 11 ноябрь эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида очилади.

КРЕМЛДА СУҲБАТ

5 ноябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши (МХМК) Раиси, Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссияси (ЭМПТК) Раиси Менгисту Хайле Мариам билан суҳбатлашди.

Суҳбат чоғида ҳар икки томонни қизиқтирувчи бир қанча масалалар юзасидан фикрлашиб олинди. Ҳар икки томон Совет — Эфиопия дўстона муносабатларининг самарали ривожланаётганлигидан мамнун эканлигини изҳор этди ва Москвада олий даражада бўлиб ўтган музокараларнинг якунлари асосида Совет Иттифоқи билан Социалистик Эфиопия ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг қулай истиқболларини таъкидлаб ўтди.

Менгисту Хайле Мариам ўзининг Совет Иттифоқида бўлишидан мамнун эканлигини билдирди ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги арафасида совет халқига Эфиопия кенг меҳнаткашлар оммасининг самимий саломини топшириб, уларга коммунистик қурилиш ишида, бутун дунёда тинчликни сақлаш ишида муваффақиятлар тилади.

Суҳбат дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

Суҳбатда МҲМК доимий комитетининг ва ЭМПТК ижроия комитетининг аъзоси, ривожланиш ва марказий планлаштириш умуммиллий революцион кампания сини ўтказиш олий кенгаши раисининг ўринбосари Аддис Тедла иштирок этди.

(ТАСС).

ОКТЯБРЬ ҒОЯЛАРИНИНГ ТАНТАНАСИ

Республиканинг шаҳар ва қишлоқлари қирмизи байроқлар билан безаниб, байрам либосига бурканда. Ўзбекистон меҳнаткашлари Улуғ Октябрь байрамини КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг қарорлари, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг самимий табриконласи туфайли вужудга келган юксак меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик жўш урган бир вазиятда нишонламоқдалар. Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон деҳқонларини, барча меҳнаткашларини ажойиб ғалаба билан муборакбод қилди. Мамлакат улардан 6 миллион тоннадан кўпроқ Ўзбекистон пахтасини олди.

Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг вакиллари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, Тошкент гарнизонининг жангчилари 6 ноябрь куни Навоий номли давлат академик Катта театрига шонли санага бағишланган тантанали йиғилишга келдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, Р. С. Ашуралиев, В. П. Есин, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник Ю. П. Максимов мажлис президиумига чиқадилар. Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, революцион ҳаракат ветеранлари, Совет Армиясининг генераллари улар билан бирга эдилар.

Тантанали мажлисни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров очади.

Содиқ ленинчи, халқлар тинчлиги ва бахт-саодати йўлидаги толмас курашчи Леонид Илич Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ғоят баланд руҳ билан мажлисининг фахрий президиумига сайланади.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги тўғрисида доклад қилди. У барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари олдида ҳам озодлик ва чинакам бахт-саодатнинг порлоқ йўлини очиб берган Улуғ Октябрь ғояларининг тантанаси тўғрисида, шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашлари байрамнн ажойиб муваффақиятлар билан кутиб олаётганликлари ҳақида, улар КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини социалистик Ватан бахт-саодати йўлида янги зафарлар билан нишонлашга азму қарор берганликлари тўғрисида гапирди.

Тантанали мажлис қатнашчилари учун катта байрам концерти қўйиб берилди.

(ЎзТАГ).

СССР мудофаа министрининг БУЙРУҒИ

1980 йил 7 ноябрь **№ 295** **Москва шаҳри**

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Прапорщик ва мичман ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Совет Қуролли Кучларининг ветеранлари, ўртоқлар!

Бугун Совет Иттифоқи меҳнаткашлари, армия ва флот жангчилари, бутун тараққиётпарвар инсоният Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигини тантанали равишда нишонламоқдалар. Совет кишилари бу шонли санани катта сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида кутиб олмоқдалар. Бутун мамлакатда КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг авж олдириб юборилди. Коммунистик партия тевирагида маҳкам жипслашган ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлилари ўнинчи беш йиллик топшириқларини ва шу йил планини муваффақиятли бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Халқимиз коммунистик қурилишда эришган муваффақиятлари билан ҳақли равишда фахрланади. Ўтган йиллар мобайнида саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданиятни ривожлантиришда янги жуда катта қадам қўйилди. Халқ моддий фаровонлигини юксалтиришнинг кенг программаси амалга оширилди. Социалистик ҳамдўстликдаги қардош мамлакатлар ўз социал-сиёсий ва иқтисодий тараққиётида катта муваффақиятларга эришдилар. Дўстлигимиз ва жипслигимиз тобора кўпроқ мустаҳкамланиб бормоқда.

Ташқи сиёсатнинг ленинча принципларига содиқ бўлган партиямиз Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, Совет ҳукумати, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев тинчликни сақлаш ва кескинликни юмшатиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш, қуролсизланиш йўлини изчиллик билан оғишмай ўтказиб келмоқдалар.

Бироқ халқаро вазият ҳамон мураккаб бўлиб қолмоқда. Реакцион империалистик кучлар бу вазиятни кескинлаштирмоқдалар, ўз истакларини суверен давлатларга мажбуран қабул қилдириш йўлидаги уринишлардан воз кечмаяптилар. Улар кескинлик юмшатилишини тўғатишга, инсониятни янги «совуқ уруш» гирдобига тортишга интилмоқдалар. АҚШ, НАТОнинг бошқа мамлакатларнинг милитаристик активлиги билан кескинлик авж олдирилмоқда, улар вужудга келган ҳарбий-стратегик тенгликни ўз фойдаларига буришга интилмоқдалар. Империализм билан Пекин гегемонизмининг шериклиги тинчлик иши учун тобора кўпроқ хавф туғдирмоқда.

Бундай шароитда Коммунистик партия билан Совет давлати мамлакатнинг мудофаа қобиликнтни кучайтириш, Қуролли Кучларнинг ҳушёрлиги ва жангговар тайёрлигини ошириш учун барча зарур ишларни қилмоқдалар. Коммунизм ишига чексиз содиқ бўлган армия ва флот жангчилари ўзларига ишониб топширилган жангговар техника ва қуроллароғларни қунт билан эгалламоқдалар, ўзларининг даладаги, ҳаводаги ва денгиздаги билимини такомиллаштирмоқдалар, Коммунистик партия, совет халқи ва унинг Қуролли Кучларининг шонли революцион, жангговар ва меҳнат анъаналарини авайлаб сақламоқдалар ва кўпайтирмоқдалар. Улар социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг қардош армиялари билан ягона жангговар сафда туриб, буюк революцион ғалабаларини хушёрлик билан қўриқлаб турибдилар ва ҳар қандай агрессияга қақшаткич зарба беришга ҳамиша тайёрдирлар.

Армия ва флот жангчилари ўртоқлар! Қуролли Кучларнинг ветеранлари, ўртоқлар!

Сизларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги билан қутлайман. Жангговар ва сиёсий тайёргарлик сифатини оширишда, жангговар тайёрликни такомиллаштиришда, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олишда сизларга янгидан-янги муваффақиятлар тилайман. Совет халқи ғалабаларини, Ватанимизнинг давлат манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамиша шай бўлиб турингиз.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигини нишонлаш юзасидан БУЮРАМАН:

Бугун, 7 ноябрь маҳаллий вақт билан соат 21 да Ватанимиз пойтахти — қаҳрамон Москва шаҳрида, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар Ленинград, Волгоград, Севастополь, Одесса, Новороссийск, Керчь, Тулада, қаҳрамон Брест қалъасида, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Свердловск, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток ва Североморск шаҳарларида тўплардан бир йўла 30 марта ўқ узиб байрам артиллерия салюти берилсин.

Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги!

Яшасин шавкатли СССР Қуролли Кучлари!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. УСТИНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми узоқ йил самарали ишлаганлиги, қишлоқ хўжалигини механизациялашни ривожлантиришда актив иштирок этганлиги учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети илмий-техника кенгашининг раиси ўртоқ Владимир Михайлович **Френкинни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА 1980 ЙИЛГИ СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитетининг тақдимномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларга 1980 йилги СССР Давлат мукофотларини беришга қарор қиладилар:

I.
ФАН СОҲАСИДА

1. Илмий-тадқиқот институтининг ходимлари — бўлим бошлиғи, техника фанлари кандидати Ладислав Павлович **Беляева**, лаборатория бошлиқлари Владимир Иванович **Билкина**, Александр Степанович **Скрипниченкога**, бўлим бошлиғи, техника фанлари доктори Николай Васильевич **Гревцева**, етакчи инженер Анатолий Николаевич **Евтюнина**, СССР Фанлар академияси П. Н. Лебедев номли физика институтининг сектор мудири, физика-математика фанлари доктори Георгий Георгиевич **Петрашга**; шу институтнинг кичик илмий ходимлари — физика-математика фанлари кандидатлари Анатолий Александрович **Исаева**, Мишик Айразатович **Казарянга**, Светлана Галина Владимировна **Марковага**, техника фанлари кандидати Владимир Анатольевич **Буртмакинга** — металл буғларида импульсли лазер физик принципларини ишлаб чиққанликлари, шулар асосида ёрқинлик кучайтиргичлари бўлган оптик системаларни яратганликлари ва тадқиқ этганликлари учун.

2. СССР Фанлар академияси П. Н. Лебедев номли физика институтининг катта илмий ходимлари — физика-математика фанлари кандидатлари Евгений Александрович **Виноградова**, Геннадий Викторович **Козлова**, шу институтнинг ходимлари — лаборатория мудири, академик Александр Михайлович **Прохорова**, сектор мудири, физика-математика фанлари кандидати Наталья Александровна **Ирисована**, В. И. Ленин номли Москва давлат педагогика институти кафедра мудири, физика-математика фанлари доктори Евгений Михайлович **Гершензонга**, СССР Фанлар академияси амалий физика институтининг ходимлари — бўлим мудири, физика-математика фанлари доктори Андрей Федорович **Крупновга**, етакчи инженер Лев Исидорович **Герштейнга**, СССР Фанлар академияси радиотехника ва электроника институтининг ходимлари — лаборатория мудири, физика-математика фанлари доктори Вячеслав Вячеславович **Мериакрига**, директор ўринбосари, техника фанлари доктори Андрей Владимирович **Соколова**, илмий-тадқиқот институтининг ходимлари — бўлим бошлиғи, техника фанлари доктори Михаил Борисович **Голантга**, сектор бошлиғи, техника фанлари кандидати Александр Андреевич **Негиревга**, катта илмий ходим, техника фанлари кандидати Виктор Сергеевич **Савельевга** — терс тўлқин лампалари асосида супмиллиметр спектроскопияни яратганликлари учун.

3. СССР Фанлар академияси ҳисоблаш марказининг ходимлари — директор ўринбосари, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Никита Николаевич **Моисеевга**, лаборатория мудири, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Валентин Витальевич **Румянцевга**, сектор мудири, физика-математика фанлари доктори Александр Александрович **Петровга**, СССР Фанлар академияси механика проблемалари институти бўлимининг мудири, физика-математика фанлари доктори Феликс Леонидович **Черноусько**га — 1950—1975 йилларда эълон қилинган «Суюқлиги бўлган ҳавол жисмлар динамикаси» ишлари туркуми учун.

4. Иш раҳбари, СССР Ҳарбий-Денгиз Флотининг бош қўмондони, Совет Иттифоқи флот адмирали Сергей Георгиевич **Горшковга**, К. Е. Ворошилов номли СССР Қуролли Кучлари Бош штаби ҳарбий академиясининг консультанти, адмирал Владимир Николаевич **Алексеевга**, М. В. Ломоносов номли Москва давлат университети кафедраларининг мудирлари — геология-минералогия фанлари доктори Георгий Петрович **Горшковга**, техника фанлари доктори Константин Алексеевич **Салнитчевга**, СССР Харбий-Денгиз Флоти марказий картография корхонаси ходимлари — бошлиқ, I ранг капитан Виктор Иванович **Фалеева**, катта редакторлар — техника фанлари кандидати Михаил Петрович **Серегина**, Елена Павловна **Ечулина**га, редактор Лидия Сергеевна **Лукановага**. Бутуниттифоқ денгиз балиқ хўжалиги ва океанография илмий-тадқиқот институти лабораториясининг мудири, география фанлари доктори Алексей Михайлович **Муромцева**, СССР Фанлар академияси П. Н. Ширшов номли океанология институтининг директори, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Андрей Сергеевич **Монинга**, СССР гидрометеорология марказининг консультанти, география фанлари доктори Хорен Петрович **Погосянга**, СССР Мудофаа министрлиги бошқармасининг бошлиғи, адмирал Анатолий Иванович **Рассохога** — «Океанлар атласи» илмий асарлари учун (1-том «Тинч океани» ва 2- том — «Атлантика ва Ҳинд океанлари» 1974 ва 1978 йилларда эълон қилинган учун).

5. Иш раҳбари, СССР Фанлар академияси А. Н. Северцов номли ҳайвонлар эволюцион морфологияси ва экологияси институти лабораториясининг мудири, академик Меркурий Сергеевич **Гиляровга**, шу институтнинг катта илмий ходими биология фанлари доктори Дмитрий Александрович **Криволуцкийга**, СССР Фанлар академияси зоология институтининг катта илмий ходими, биология фанлари кандидати Лидия Георгиевна **Ситниковага**, СССР Фанлар академияси ички сувлар биологияси институтининг катта илмий ходими, биология фанлари доктори Борис Аронович **Вайнштейнга**, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академияси Давлат Никитский ботаника боғи бўлимининг мудири, биология фанлари доктори Иссахар Зельманович **Лившица**, М. Горький номли Горький давлат педагогика институтининг профессори, биология фанлари доктори Елена Сергеевна **Шалдибинага**, М. В. Ломоносов номли Москва Давлат университетининг катта илмий ходими, биология фанлари кандидати Аделаида Дмитриевна **Никитинага**, шу университетнинг собиқ катта илмий ходими, биология фанлари кандидати Елизавета Михайловна **Булановага**, И. И. Мечников номли Одесса давлат университети кафедра мудири, биология фанлари кандидати Всеволод Денисович **Севастьяновга**, Украина ССР Фанлар академияси зоология институтининг катта илмий ходими, биология фанлари кандидати Галина Иосифовна **Шчербакка**, биология фанлари доктори Всеволод Иванович **Волгинга** — 1975—1978 йилларда эълон қилинган уч томдан иборат «Тупроқда яшайдиган каналарни аниқлагич» монографияси учун.

6. Педагогика фанлари кандидати Иван Афанасьевич **Соколянскийга**, психология фанлари доктори Александр Иванович **Мешчерякова** — 1956—1974 йилларда эълон қилинган «СССРда кўр ва карлар таълим-тарбия психологик-педагогик системасини назарий ишлаб чиқиш ва амалга ошириш» ишлари туркуми учун.

7. Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг академик секретари, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Никита Николаевич **Моисеевга**, лаборатория мудири, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Владимир Родионович **Волобуева**, Озарбайжон ССР Фанлар академияси тупроқшунослик ва агрохимия институтининг директори, Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Спартак Аскерович **Алиева** — 1973—1978 йилларда эълон қилинган «Фаннинг янги йўналиши — тупроқ ҳосил бўлиш энергетикаси асосларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш» ишлари туркуми учун.

8. Иш раҳбарлари — И. М. Сеченов номли 1-Москва медицина институти кафедра мудири, СССР Медицина фанлари академиясининг академиги Федор Иванович **Комарова**, СССР Медицина фанлари академияси Бутуниттифоқ кардиология илмий маркази бўлимининг раҳбари, медицина фанлари доктори Нурмуҳаммад **Муҳарламова**, Давлат марказий физкультура институтининг ректори, медицина фанлари доктори Вадим Владимирович **Меньшикова**, И. М. Сеченов номли 1-Москва медицина институтининг ходимлари — кафедра мудири, медицина фанлари доктори Иван Иванович **Сивкова**, бўлим мудири, медицина фанлари доктори Владимир Григорьевич **Кукеса**, катта илмий ходим, медицина фанлари доктори Любовь Ильинична **Ольбинскаяга**, СССР Медицина фанлари академияси Бутуниттифоқ кардиология илмий марказининг катта илмий ходимлари — медицина фанлари кандидатлари Юрий Никитич **Беленкова**, Юрий Тимофеевич **Пушкарга**, Қирғизистон кардиология илмий-тадқиқот институтининг директори, СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси Мирсаид Мирҳамидович **Мирраҳимова**га, Харьков медицина институти кафедра мудири, СССР Медицина фанлари академиясининг академиги Любовь Трофимовна **Малаяга** — юрак касаллиги бошланғич босқичлари диагностикаси, бу касалликнинг ривожланиш механизмлари, профилактикаси ва уни даволаш замонавий методларини ишлаб чиққанликлари ҳамда медицина практикасига жорий этганликлари учун.

II.
ТЕХНИКА СОҲАСИДА

1. Иш раҳбари, Олмалиқ химия заводининг директори, техника фанлари кандидати Қурбонали Ғуломович **Содиқова**, шу заводнинг ходимлари — бош технолог Виктор Степанович **Стародубцева**, аппаратчи Карамали **Маматқулова**, шу заводнинг собиқ директори Вали Абдувоҳидович **Ҳамидова**, профессор Я. В. Самойлов номли ўғит ва инсектофунгицидлар илмий-тадқиқот институти лабораториясининг мудири, техника фанлари доктори Михаил Васильевич **Ликова**, шу институт директорининг собиқ ўринбосари, техника фанлари кандидати Сергей Константинович **Воскресенскийга**, Бутуниттифоқ химия машинасозлиги илмий-тадқиқот ва конструкторлик институти директорининг ўринбосари Юрий Иванович **Киприянова**, шу институт секторининг бошлиғи, техника фанлари кандидати Александр Александрович **Суетинова**, асосий химия саноати заводларини лойиҳалаш Давлат иттифоқ институти Свердловск филиали лойиҳа раҳбари Георгий Брониславович **Садовскийга**, асосий химия саноати Бутуниттифоқ бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари Андрей Макарович **Алешинга** — Қоратов ҳавзасидаги бойитилмаган фосфат рудасини юксак концентрацияли ўғитга айлантириш техникаси ва технологиясини ишлаб чиққанликлари, ўзлаштирганликлари ва саноат қўламида жорий этганликлари учун.

2. Бутуниттифоқ геология-қидирув кон қудуқларини геофизик тадқиқ этиш илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик институти Калинин бўлимининг директори, техника фанлари доктори Петр Абрамович **Броцкийга**, шу институтнинг ходимлари — лаборатория мудирлари, техника фанлари кандидатлари Роальд Викторович **Китмановга**, Петр Николаевич **Куповихга**, Владимир Борисович **Тальновга**, директор, техника фанлари доктори Анатолий Александрович **Молчановга**, директор ўринбосари, техника фанлари кандидати Алексей Илларионович **Фионовга**, «Укргеофизразведка» трести кон қудуқларида геофизик тадқиқотлар олиб борувчи Нежин экспедициясининг бош геологи Александр Шмульевич **Книшманга**, «Геофизприбор» Уфа ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари Равис Луқмонович **Собировга**, «Узбекнефтегазразведка» бирлашмаси Яккабоғ геофизика экспедицияси партиясининг бош геологи Салмон Магомед ўғли **Сулаймоновга**, «Татнефтегеофизика» давлат геофизика трести Лениногорск кончилик геофизика идорасининг ходимлари — бош геолог, техника фанлари кандидати Мират Зиаддинович **Юсуповга**, партия бошлиғи Павел Михайлович **Кудашевга** — кабелдаги геофизик приборлар воситасида нефть-газли қатламларни синаб кўриш ва уларнинг гидродинамик хоссаларини аниқлашнинг серунум ва тежамли методларини ишлаб чиққанликлари ва халқ хўжалигига жорий этганликлари учун.

3. И. В. Курчатов номли атом энергияси институти бўлимининг раҳбари, академик Исаак Кушелевич **Кикоинга**, шу институтнинг ходимлари — катта илмий ходим, техника фанлари кандидати Виктор Павлович **Капитоновга**, катта инженер Леонид Иванович **Матвеевга**, аниқ машинасозлик конструкторлик бюросининг ходимлари — бош конструктор Тимофей Васильевич **Поповга**, бош конструктор ўринбосари, техника фанлари кандидати Юрий Петрович **Заозерскийга**, бўлим бошлиғи Анатолий Ефимович **Ермишинга**, группа бошлиқлари — Альберт Григорьевич **Суховга**, Владимир Вениаминович Зозинга, конструктор Геннадий Иванович **Волковга**, машинасозлик заводининг директори Сергей Георгиевич **Прокофьевга**, ўша завод цехининг собиқ бошлиғи Эварист Иванович **Орловскийга**, техника фанлари доктори Николай Маркович **Лисцовга** — медико-биологик препарат ультрацентрифугасини яратганликлари, уни саноат қўламида ўзлаштирганликлари ва жорий этганликлари учун.

4. Автомобиль саноати министрининг ўринбосари Евгений Артемович **Башнижагянга**, СССР 50 йиллиги номли Волга автомобиль заводи бош директорининг ўринбосари Валентин Иванович **Исаковга**, шу завод ходимлари экономика ва планлаштириш директори, иқтисод фанлари кандидати Петр Макарович **Кацурга**, техник директор ўринбосари Юрий Георгиевич **Карнауховга**, бошқарма бошлиқлари — техника фанлари кандидати Юрий Николаевич **Переваловга**, Александр Иванович **Шенбергерга**, цех бошлиғи Александр Владимирович **Карабинга**, цех мастери Вячеслав Михайлович **Матвеевга**, слесарь Алексей Алексеевич **Синельниковга**, партия комитетининг секретари Иполит Леонардович **Римкевичга**, Димитровград автоагрегат заводининг директори Алексей Васильевич **Николаевга**, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети бўлими бошлиғининг ўринбосари Анатолий Карпович **Осиповга** — СССР 50 йиллиги номли Волга автомобиль заводида ишлаб чиқариш, меҳнат, бошқариш ва иш ҳақини ташкил этиш комплекс системасини яратганликлари ва жорий этганликлари учун.

5. Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтининг ходимлари — катта илмий ходимлар, техника фанлари кандидатлари Юрий Борисович **Аванесова**, Николай Иванович **Кривоговга**, лаборатория мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати Виктор Игнатьевич **Бессарабова**, директор, В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги Гавриил Михайлович **Бузенкога**, лаборатория мудирининг ўринбосари Александр Александрович **Ребчанскийга**, К. Е. Ворошилов номли Днепропетровск комбайн заводининг ходимлари — директор Алексей Александрович **Покуга**, махсус конструкторлик бюросининг бошлиғи — бош конструктор, техника фанлари кандидати Юрий Николаевич **Переваловга**, Александр Иванович **Шенбергерга**, цех бошлиғи Александр Владимирович **Карабинга**, цех мастери Вячеслав Михайлович **Матвеевга**, слесарь Алексей Алексеевич **Синельниковга**, партия комитетининг секретари Иполит Леонардович **Римкевичга**, Димитровград автоагрегат заводининг директори Алексей Васильевич **Николаевга**, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети бўлими бошлиғининг ўринбосари Анатолий Карпович **Осиповга** — СССР 50 йиллиги номли Волга автомобиль заводида ишлаб чиқариш, меҳнат, бошқариш ва иш ҳақини ташкил этиш комплекс системасини яратганликлари ва жорий этганликлари учун.

6. Ижевск қоғоз ясайдиган оғир машиналар заводининг директори Глеб Самсонович **Акубова**га, шу заводнинг ходимлари — бош инженер Евгений Васильевич **Герливановга**, марказий лаборатория бошлиғи Меер Меерович **Комаровга**, бош металлург Владимир Михайлович **Львова**га, «ЦНИИТмаш» машинасозлик технологияси илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари — бўлим мудири, техника фанлари доктори Николай Никитьевич **Александровга**, лаборатория мудири, техника фанлари кандидати Генрих Сергеевич **Мирзоянга**, бош директор ўринбосари, техника фанлари доктори Иван Романович **Крянинга**, шу бирлашма бўлим мудирининг собиқ ўринбосари, техника фанлари кандидати Геннадий Сергеевич **Стрижова**, Лутугино прокат валиклар заводининг директори Николай Абрамович **Будагьянга**, Бутуниттифоқ целлюлоза-қоғоз машинасозлиги саноат бирлашмасининг бош инженери Вячеслав Александрович **Чичаева**га, Украина ССР Фанлар академияси қўймачилик проблемалари институтининг катта илмий ходими, техника фанлари кандидати Авксенти Иванович **Шевченкога**, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Николай Николаевич **Зоревга** — масъул ишларга аталган якка қават ва биметалл буюмлар ишлаб чиқарувчи ноёб машина-ускуна комплекси ва принципиал янги технология жараёнларини яратганликлари ва саноатда кенг қўламда жорий этганликлари учун.

7. Иш раҳбари, Ленинград химия машинасозлиги илмий-тадқиқот ва конструкторлик институти қурилмаларининг бош конструктори Игорь Леонидович **Андреевга**, М. В. Фрунзе номли Суми машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, техника фанлари кандидати Владимир Матвеевич **Лукьяненкога**, шу бирлашма токарларининг бригадири Николай Илларионович **Баняга**, Газ саноати министрлиги бошқармасининг бошлиғи Виталий Андреевич **Степанюкка**, Оренбург гелий заводининг ходимлари — қурилманинг катта аппаратчиси Михаил Дмитриевич **Соковинга**, қурилма бошлиғи Хамит Нурмуҳаметович **Ясавеевга**, Бутуниттифоқ табиий газлар илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, техника фанлари кандидати Осип Александрович **Бенаминовичга**, «Южниигипрогаз» давлат илмий-тадқиқот ва лойиҳа конструкторлик институти лойиҳалар бош инженери Леонид Иванович **Лепетюхга**, «Союзкислородмонтаж» кислород, криоген, водород ва гелий қурилмалари ҳамда заводларини монтаж қилувчи трест бошқарувчисининг ўринбосари Герш Пейсахович **Тамаринга**, «Оренбургэнергострой» қурилиш бошқармасининг собиқ бошлиғи Петр Сергеевич **Суровга**, — бойитилмаган гелий газларидан гелий концентрати ҳосил қиладиган қурилмаларни яратганликлари ва жорий этганликлари учун (бу қурилма ишлодган ўтказиладиган газ бўйича йилига уч миллиард кубометр унум билан ишлайди).

8. Ленинград марказий лойиҳа конструкторлик бюросининг ходимлари — бош инженер Владимир Александрович **Галицкийга**, бўлим мудирлари Яков Николаевич **Григорьевга**, Юрий Константинович **Подгайскийга**, Советская Гавань шаҳридаги кема ремонт заводининг ходимлари — бюро бошлиғи Вадим Антонович **Дукмасовга**, кема корпусчилари бригадири Николай Александрович **Киселевга**, Узоқ Шарқ марказий лойиҳа конструкторлик бюроси лойиҳа бош конструктори Афанасий Андреевич **Окишевга**, Денгиз флоти министрлиги бўлимининг бошлиғи Алексей Анатольевич **Окольничниковга**, Узоқ Шарқ денгиз пароходчилигининг ходимлари — капитан Владимир Анатольевич **Небовскийга**, бош инженер Анатолий Васильевич **Пилипенкога**, боцман Сергей Ефимович **Радченкога**, ўлим бошлиғининг ўринбосари Биталий Павлович **Унжинга**, кемасоз инженер Николай Иванович **Круталевичга** — Узоқ Шарқ ҳавзаси ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришнинг социал-иқтисодий проблемаларини ҳал этиш учун юк ташиш янги денгиз каботаж, транспорт системалари ва техник воситаларини ишлаб чиққанликлари ва жорий этганликлари учун.

9. Илмий техникавий информация ва техник иқтисодий тадқиқотлар марказий илмий-тадқиқот институтининг ходимлари — иш раҳбари, бўлим бошлиғи Борис Николаевич **Шавирингга**, катта илмий ходим, техника фанлари кандидати Олег Афанасьевич **Горбенкога**, бош инженер ўринбосари Семен Семенович **Семеновга**, етакчи инженер, Евгений Леонидович **Андреевга**, бюро бошлиғи Александр Николаевич **Климова**га, Бутуниттифоқ клиник ва экспериментал хирургия илмий-тадқиқот институтининг бўлим мудири, медицина фанлари доктори Василий Васильевич **Зарецкийга**, шу институтнинг катта илмий ходими, медицина фанлари кандидати Валерий Александрович **Сандриковга**, СССР Медицина фанлари академияси умумий патология ва патологик физиология институти лабораториясининг раҳбари, медицина фанлари доктори Владимир Михайлович **Хаютинга**, илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, техника фанлари кандидати Анатолий Михайлович **Пойманова**га, Бутуниттифоқ медицина техникаси илмий-тадқиқот ва синов институтининг бўлим мудири, техника фанлари кандидати Вадим Александрович **Михайловга**, Бутуниттифоқ физик-техник ва радиотехник ўлчаш илмий-тадқиқот институти Қозон филиали лабораториясининг мудири Борис Иванович **Лобовга** — қон сарфини ўлчайдиган электромагнит приборлар ишлаб чиққанликлари, уларни кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштирганликлари ва кенг медицина практикасига жорий этганликлари учун.

10. В. И. Ленин номли «Уралэлектротяжмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси илмий-тадқиқот, лойиҳа конструкторлик ва технология институти бўлимининг мудири Ратмир Борисович **Доброхотова**га, электр станциялари ва подстанциялар электр-ускуналарини монтаж қилувчи Давлат иттифоқ трести бошқарувчисининг ўринбосари Роман Николаевич **Ершова**га, «Донбассэнергострой» ишлаб чиқариш энергетика бирлашмаси электр тармоқлари марказий корхонасининг бош инженери Станислав Иванович **Остапенкога**, Бутуниттифоқ давлат энергетика системалари ва электр тармоқлари лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот институтининг директори Льев Леонидович **Петерсонга**, Марказ ва Жануб юқори вольтли электр тармоқлари ва подстанцияларини қуриш бош бошқармасининг бош инженери Юрий Яковлевич **Семеновга**, Ленинград «Электроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари Виктор Константинович **Тарасовга**, ўзгармас ток илмий-тадқиқот институти лабораториясининг мудири, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Николай Николаевич **Тиходеевга**, В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ электротехника институтининг директори, техника фанлари доктори Владилен Пантелеймонович **Фотинга**, шу институт бўлимининг мудири, техника фанлари кандидати Ной Маркович **Чернишева**га, В. И. Ленин номли «Запорожтрансформатор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош технологи Леонид Ефимович **Штанькога** — 750 киловольт ғоят юксак кучланишли янги электр линиясини яратганликлари ва жорий этганликлари учун (бу линия Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ойрлашган энергетика системаларини СССРнинг туташ энергия системаси билан параллел ишлашга қўшишни ва катта-катта атом электр станцияларининг қувватини беришни таъминлаган).

11. Эстония ССР Энергетика ва электрлаштириш бош ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Эльмар Арнольдович **Аманга**, шу бошқарманинг бош инженери Хейно Аугустович **Вассилга**, «Севэнергострой» трестига қарашли Эстония ГРЭС қурилиши бошқармасининг ходимлари — комплекс бригада бошлиғи Иосиф Иосифович **Гугалинскийга**, бошлиқ Павел Александрович **Логиновга**, ўша трестнинг собиқ бошқарувчиси Валентин Александрович **Кожевниковга**, СССР 50 йиллиги номли Эстония ГРЭСи ходимлари — бош инженер Марк Захарович **Гудкинга**, директор Константин Иванович **Сенчуговга**, И. И. Ползунов номли энергетика ускуналарини тадқиқ этиш ва лойиҳалаш илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари, техника фанлари доктори Вячеслав Владимирович **Митороага**, Ленин комсомоли номли Болтиқ бўйи ГРЭСи катта машинисти Владимир Александрович **Пронинга**, Бутуниттифоқ давлат «Теплоэлектропроект» лойиҳа институти Ленинград бўлими лойиҳа бош инженери Александр Николаевич **Химичга**, Эстония ССР Фанлар академиясининг академиги, шу академиянинг вице-президенти Ильмар Паулович **Эпикка** — Эстония ССРда маҳаллий сланец ёқилғиси билан ишлайдиган жаҳонда биринчи катта қувватли электростанцияларни қурганликлари ва ўзлаштирганликлари учун.

12. Илмий-тадқиқот институтининг ходимлари — бўлим бошлиқлари Валентин Михайлович **Арсентьевга**, техника фанлари доктори Михаил Борисович **Заксонга**, техника фанлари кандидати Игорь Михайлович **Мошкуновга**, директор ўринбосари, техника фанлари доктори Юрий Иванович **Даниловга**, бўлим бошлиғи Юрий Павлович **Кулешовга**, катта инженер Владимир Александрович **Красновга**, СССР Фанлар академияси космик тадқиқотлар институтининг ходимлари — катта илмий ходимлар Владимир Иванович **Бержатийга**, Виктор Дмитриевич **Благовга**, Геннадий Александрович **Долгополовга**, директор ўринбосари, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Николай Семенович **Кардашевга**, қурилиш металл конструкциялари марказий илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтининг ходимлари — катта илмий ходим, техника фанлари кандидати Алексей Сергеевич **Гвамичавага**, бўлим мудири, техника фанлари доктори Александр Георгиевич **Соколовга** — жаҳонда биринчи КРТ-10 маркали космик радиотелескопни яратганликлари ва у билан узоқ ишлайдиган «Салют-6» орбитал станциясининг ичида экспериментал ишлар ўтказганликлари учун.

13. СССР Госпланининг ходимлари — бўлим бошлиғи, иқтисод фанлари кандидати Аркадий Алексеевич **Аверьяновга**, бош мутахассис Николай Максимович **Лебедевга**, М. В. Фрунзе номли Куйбишев моторсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари — бош директор Леонид Степанович **Чеченага**, штамповкачи Николай Васильевич **Пехтеревга**, компрессорсозлик бўйича махсус конструкторлик бюроси бошлиғи бош конструктор, техника фанлари кандидати Владимир Борисович **Шнеппга**, машинасозлик конструкторлик бюросининг конструктори Владимир Павлович **Стукалова**га, «Оргэнергогаз» ихтисослаштирилган бошқармасининг бошлиғи Борис Львович **Кутаркинга**, Бутуниттифоқ газ кончилик ускуналарини ишлаб чиқиш илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик институти бош инженерининг ўринбосари Льев Лазаревич **Поляковга**, газ саноати министрининг ўринбосари Василий Александрович **Динкова**га — авиация приводли принципиал янги блок — контейнерли газ ҳайдайдиган агрегатларни яратганликлари ва уларни СССР газ саноатида жорий этганликлари учун.

14. Иш раҳбари, СССР Фан ва техника Давлат комитети бўлимининг бошлиғи, техника фанлари доктори Сергей Павлович **Антоновга**, Новолипецк металлургия заводининг ходимлари — директор, техника фанлари кандидати Иван Васильевич **Франценюкка**, цех бошлиқлари Андрей Дмитриевич **Белянскийга**, Зеновий Петрович **Каретнийга**, «Новокраматорский машиностроительный завод» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари — прокат ускуналарининг бош конструктори Виктор Иванович **Пономаревга**, участканинг катта мастери Анатолий Григорьевич **Панченкога**, Бутуниттифоқ металлургия машинасозлиги илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик институтининг ходимлари — лаборатория мудири, техника фанлари кандидати Андрей Николаевич **Дружининга**, бўлими мудири техника фанлари доктори Борис Ефимович **Житомирскийга**, КПСС XXV съезди номли Киев автоматика институтининг директори, Украина ССР Фанлар академиясининг академиги Борис Борисович **Тимофеевга**, металлургия заводларини лойиҳалаш давлат иттифоқ институти бўлимининг бош конструктори Юрий Иванович **Федоровга**, Ф. Б. Якубовский номли Бутуниттифоқ саноат объектларини комплекс электрлаштириш илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти секторининг мудири, техника фанлари кандидати Борис Иванович **Решинга**, Липецк политехника институтининг доценти, техника фанлари кандидати Сергей Леонидович **Коцарга** — иссиқ ҳолда прокат қилинган юқори сифатли рулон пўлат ишлаб чиқарувчи янги машина ва жараёнларни ишлаб чиққанликлари учун (бу иш Новолипецк металлургия заводида йилига 6 миллион тоннадан ортиқ лист прокат берадиган сербар полосавий прокат стани — «2000» стани жаҳон практикасида илк бор яратилиши ва ўзлаштирилишини таъминлаган).

15. СССР 50 йиллиги номли Павлодар алюминий заводининг директори, техника фанлари кандидати Игорь Владимирович **Прокоповга**, шу заводнинг ходимлари — бош инженери Фарид Абдул-Бакеевич **Аликова**, бош инженер ўринбосари Александр Иванович **Исаева**, Николаев гилмоя заводининг директори Евгений Николаевич **Беспалова**, шу заводнинг бўлим бошлиқлари — техника фанлари кандидати Юрий Федорович **Узкихга**, Борис Ильич **Лопатинга**, Бутуниттифоқ алюминий, магний ва электрод саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтининг ходимлари — завод директори, техника фанлари кандидати Сапарбек Султонович **Беркетова**га, лаборатория мудири, техника фанлари кандидати Наум Соломонович **Мальца**га, бош инженер, техника фанлари кандидати Николай Степанович **Шморгуненкога**, Қозоғистон ССР Фанлар академияси металлургия ва саралаш институти лабораториясининг мудири, Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Леонид Павлович **Нига**, Бутуниттифоқ алюминий саноати бирлашмаси бўлимининг бошлиғи Анатолий Константинович **Стяжкинга**, Қозоғистон ССР Госплани бўлими бошлиғининг ўринбосари, техника фанлари кандидати Турар Болтабоевич **Турсунбоевга** — сифати паст бокситни қайта ишлаш янги усулини яратганликлари ва саноат қўламида ўзлаштирганликлари учун (бу усул алюминий саноатининг хом ашё базасини кенгайтиришга олиб келди).

16. «Главмостострой» 5-кўприксозлик трестининг бошқарувчиси, техника фанлари кандидати Владимир Васильевич **Алексеевга**, Бутуниттифоқ махсус ишлар бирлашмаси «Гидроспецстрой» бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Валерий Николаевич **Бугровга**, «Главзаводспецстрой»нинг «Куйбишевгидрострой» қурилиш бошқармасининг бош инженери Дмитрий Владимирович **Еремеевга**, СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги бошқармасининг бошлиғи, техника фанлари кандидати Павел Кириллович **Морозга**, транспорт қурилиши министрининг ўринбосари Николай Ильич **Литвинга**, Транспорт қурилиши министрлиги бошқармасининг бошлиғи, техника фанлари кандидати Георгий Петрович **Соловьевга**, С. Я. Жук номидаги Бутуниттифоқ «Гидропроект» лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот институти бўлимининг бошлиғи Михаил Дмитриевич **Тульчинскийга**, «Главмостострой» 4-кўприксозлик трестининг бош инженери Анатолий Викторович **Моисеевга**, катта кўприкларни лойиҳалаш ва қидириш давлат лойиҳа-қидирув институти лойиҳа бош инженери Оник Степанович **Мутафьянга**, Бутуниттифоқ транспорт қурилиши илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, техника фанлари кандидати Филипп Михайлович **Тер Миказлянга** — кўприклар ва катта-катта саноат ҳамда энергетика объектлари учун чуқур ётувчи пойдеворлар қуриш янги конструкцияси ва технологиясини ишлаб чиққанликлари ва жорий этганликлари учун.

17. Иш раҳбари, М. В. Ломоносов номидаги Ленинград чинни заводининг собиқ директори Александр Сергеевич **Соколовга**, шу заводнинг ходимлари — директор Зинаида Игнатьевна **Метелицага**, катта техник-технолог Валентина Сергеевна **Алексеевага**, цех бошлиғи Лариса Петровна **Великотнаяга**, катта рассом Нина Борисовна **Гусевага**, қабул қилувчи контролер Антонина Николаевна **Лебедевага**, тозаловчи, созловчи Вера Михайловна **Шальновага**, собиқ лаборатория бошлиғи Тереза Исааковна **Тараевага** — суяк чинниидан СССРда биринчи марта саноат қўламида юпқа буюмлар ишлаб чиқаришни яратганликлари, технологиясини жорий этганликлари ва бу ишларни ташкил қилганликлари учун.

18. КПСС Ленинград область комитетининг бўлим мудири, иқтисод фанлари кандидати Василий Иванович **Мелешченкога**, халқ депутатлари Ленинград шаҳар Совети ижроия комитети план комиссиясининг раиси Казимир Игнатьевич **Лабецкийга**, халқ депутатлари Ленинград область Совети ижроия комитети план комиссиясининг раиси Василий Иванович **Машовецга**, Ленинград «Светлана» электрон приборсозлик бирлашмасининг бош директори Олег Васильевич **Филатовга**, «Детскосельское» ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш бирлашмаси (фирмаси) бош директори Николай Иванович **Комендантовга**, А. А. Жданов номли Ленинград Давлат университети ҳузуридаги комплекс социал-тадқиқотлар илмий-тадқиқот институтининг директори, юридик фанлари доктори

(Давоми олтинчи бетда).

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

АНДИЖОННИНГ УЛКАН ХИРМОНИ

ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАРИ ЯЛПИ ҲОСИЛНИ 625 МИНГ ТОННАГА ЕТКАЗИШ УЧУН КУРАШМОҚДАЛАР

АНДИЖОН ОБЛАСТИНИНГ ПАХТАКОРЛАРИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРДИЛАР

Андижон областининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг маслаҳатлари ва кўрсатмаларини амалга ошира бориб, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, ўнинчи беш йилликнинг тугалловчи йилида пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар ва давлатга пахта сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари — 4 ноябрда бажардилар. Тайёрлов пунктларига 610 минг тоннадан кўпроқ юқори сифатли пахта етказиб берилди, ана шу пахтанинг 322 минг тоннаси машиналарда терилди. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 33,6 центнердан «оқ олтин» ғиғиб-териб олинди.

Областнинг барча районлари, совхоз ва колхозлари мажбуриятнинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшдилар. Балиқчи районининг пахтакорлари 58,2 минг тонна, Избоскан ва Қўрғонтепа районлари 56 мингдан, Москва райони 53,4 минг, Хўжаобод ва Пахтаобод районлари 50 мингдан, Жалолқулуқ райони 47 минг, Олтинкўл райони 45 минг, Марҳамат райони 44,3 минг, Ленин райони 41,3 минг, Андижон райони 38 минг, Бўз райони 36 минг, Комсомолобод районининг пахтакорлари 34,6 минг тонна пахта тайёрладилар.

Комсомолобод, Бўз районларнинг, 65 колхоз ва совхозларнинг, 1500 бригаданинг пахтакорлари оширилган социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Ленин ва Бўз районларининг хўжаликлари ҳар гектар ердан 38 центнердан ошириб, областдаги 41 хўжалик 35—40 центнердан «оқ олтин» ғиғиб териб олди.

Пахтаобод районидаги Ёқубов номли, Ленин районидаги «Правда Востока», Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхозларнинг, Бўз районидаги «Партия XX съезди» совхозининг коллективлари давлатга пахта сотиш йиллик ҳажмларини биринчилар қаторида адо этиб, гектар бошига 42—45 центнердан ҳосил кўтардилар.

Пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари — Бўз районидаги «Ленинчи» совхозидан Абдуфаттоҳ Солиев, «Партия XX съезди» совхозидан Мавлудахон Аҳмедова, Москва районидаги «Октябрь 60 йиллиги» колхозидан Маҳамаджон Қурчиев, Олтинкўл районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозидан Соттивой Шокиров ва Турсуной Раҳмонова, «Октябрь» колхозидан Қўчқорбой Рўзиев, Балиқчи районидаги К. Маркс номли колхозидан Шариф Маматқулов, Избоскан районидаги «Москва» совхозидан Абдураҳмон Оқбўтаев, «Октябрь 50 йиллиги» совхозидан Махмуджон Умаров, Охунбобоев номли колхозидан Лолахон Тошпўлатова, Ленин районидаги «Савай» совхоз-техникумидан Зокиржон Шергозиев, Ленин номли колхозидан Қобулжон Юсупов, Пахтаобод районидаги «Андижон» колхозидан Маҳмуджон Аҳмедов ва бошқа кўпгина механик-ҳайдовчилар ўз машиналарининг бункерларидан 350—500 тонна ва ундан ҳам кўпроқ пахта тўкдилар.

Олтинкўл районидаги Свердлов номли колхозидан Қумрихон Мирзаева, Андижон районидаги Киров номли колхозидан Муқаддамхон Жумабоева, Балиқчи районидаги Охунбобоев номли колхозидан Соҳибахон Давронова, Бўз районидаги К. Маркс номли колхозидан Мунисхон Мақсудова, Избоскан районидаги «Ойним» совхозидан Мукаррамхон Нишонбоева, «Шарқ Юлдузи» колхозидан Махбубахон Абдуллаева, «Савай» совхоз-техникумидан Муҳаббатхон Муртазоева, Пахтаобод районидаги «Правда» колхозидан Салимахон Шералиева каби кўпмингкилограммчи теримчилар ва бошқа юзлаб колхозчилар, совхозларнинг ишчилари фидокороча меҳнат намуналарини кўрсатдилар.

Область хўжаликлари дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева, узум, пилла, гўшт, тухум ва жун тайёрлаш юзасидан беш йиллик планларини муддатидан илгари бажардилар.

Ҳозир ҳамма жойда КПСС XXVI съезди шарафига рекорд ҳосил учун қизғин кураш давом этмоқда. КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг қарорларидан илҳомланган область пахтакорлари социалистик мажбуриятларни ташқари яна 15 минг тонна пахта сотиш ва унинг ялпи ҳосилини 625 минг тоннага етказишга қарор бердилар.

Қишлоқ меҳнаткашлари етиштирилган бутун ҳосилни йиғиб-териб олишни қисқа муддатларда тугаллашга, кузги-қишки тадбирларнинг ҳаммасини ўз вақтида ва сифатли ўтказишга, чорванинг яхши қишловини таъминлашга, ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунлашга азму-қарор бергандирлар.

Ўтган ҳосил йилида Андижон области пахта тайёрлаш планини бажара олмаган эди. Табиий офатлар туфайли экин-тикин ишлари чўзилиб кетганди. Ўюлган хирмондан кўнглимиз тўлмаганди. Партия олдида, мамлакат олдида хижолат бўлиб қолган эдик.

Ориятли пахтакорларимиз, азамат механизаторларимиз, пахта ишини ўзларининг шон-шуҳрати, ор-номуси деб билган ҳар бир андижонлик бу йил ҳосилдорликни ошириб ва ялпи тоннани кўпайтириб, областнинг илгариги шуҳратини тиклашни олдиларига катта мақсад қилиб қўйган эдилар. Пахтакорлик шарафини улуғлаш йўлида қилинган мардона меҳнат, йил бўйи кўрсатилган жасорат, маҳорат, қатъиятлик, уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик, ташкилотчилик ва ташаббускорлик кутилган натижани берди.

КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига мусобақани кучайтираётган областимиз пахтакорлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Давлатга пахта сотиш юзасидан белгиланган план ва социалистик мажбурият ортиғи билан бажарилди. Она-Ватанга 610 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» армуғон этилди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 33,6 центнерга тўғри келди. Пахтанинг 89 проценти биринчи сортларга топширилди.

Партия ва ҳукуматимизнинг пахтакорлар ҳақида қилаётган ғамхўрликлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев кўрсатган йўл-йўриқлар ва қимматли маслаҳатлар областимиз меҳнат аҳлини ғайрат-шижоат билан ишлашга даъват этди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг барча пахтакорларга Мурожаати руҳлантирувчи йўллакма бўлиб хизмат қилди, ҳаммани янги меҳнат зафарларига илҳомлантириб турди.

Эришилган ютуқлар — КПСС XXV съезди тарихий қарорларини, партия билан ҳукуматнинг қишлоқ хўжалиги масалаларига доир қарорларини амалга оширишнинг реал самарасидир. Бу муваффақиятлар партия совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ташкилотчилик ва сиёсий ишининг савияси ўсганлиги, съездолди мусобакаси авж олганлиги туфайли қўлга киритилди. Бу ғалаба КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленумидан кейин юзага келган умумхалқ сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратининг яхши натижасидир.

Андижон область партия комитети ва область ижроия комитети ғўза парваришининг долзарб кунларида барча пахтакорларга мурожаат қилдилар. Бу мурожаатдан бутун область оғоҳ бўлди. Ҳар бир деҳқон уни обком ва ижроқўмнинг шахсан ўзига қарата айтаётган даъвати деб билди. Қўрғ Комсомолобод райони пахтакорлари мурожаатга жавобан планга қўшимча 10 минг тонна пахта етиштириш ташаббуси билан чиқдилар. Қўрғонтепалик марди майдонлар ғўза парваришида зардор юз қуллик эълон қилдилар. Бўз районидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени «Партия XX съезди» совхози ва Пахтаобод районидаги Ёқубов номли колхоз пахтакорлари ғўза парваришини пахта теримигача давом эттириш юзасидан ало-

Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мақсудахон Умарова раислик қилаётган Пахтаобод районидаги Ёқубов номли колхоз областда рекорд ҳосил — 45 центнерлик маррадан ўзиб кетди. Ленин районидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени «Правда Востока» колхози ҳосилдорликни гектар бошига 44 центнерга кўтарди. Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхози ҳар гектар ердан 43 центнер, Бўз районидаги «Партия XX съезди» совхози 42 центнердан ҳосил йиғиб олди. Москва районидаги «Қизил юлдуз», Навоий номли, Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозларида ҳосилдорлик 39—40 центнерни ташкил этди.

Юқори ҳосилли бригадаларнинг кўпайганлигини алоҳида айтиб ўтиш ўринли-

УЮШҚОҚЛИК САМАРАСИ

ҳида тадбирлар белгиладилар.

Партия ва ҳукуматимизнинг пахтакорлар ҳақида қилаётган доимий ғамхўрликлари, амалга оширилган тадбирлари комплекси, йил бўйи қилинган мардона меҳнат мўл ҳосилга замин бўлди. Пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик билан киришдик. Деҳқонларимиз катта хирмон учун курашда чинакам меҳнат намуналарини кўрсатишди. План ва мажбуриятларнинг бажарилишига ҳар бир район, хўжалик, бўлим, бригада ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Қўрғ Комсомолобод районида пахта тайёрлаш планини 116 процент, машина терими планини 107 процент бажарди. Андижон хирмонига деярли 35 минг тонна чўл дурдонаси тўкилди. Бу — планга нисбатан 5 минг тонна кўп.

Юксак социалистик мажбуриятини Андижон областида биринчилардан бўлиб бажарган Бўз, Ленин районларининг пахтакорлари 38 центнерлик маррани эгалладилар. Марҳаматликлар ҳам гектаридан 35 центнердан ҳосил олиб, план ва социалистик мажбуриятни уддаладилар. Балиқчи, Москва, Хўжаобод, Избоскан районлари зафар манзилига илгорлар қаторида етиб келишди.

Машҳур пахтакор, КПСС

дир. Марҳамат районидан Саодат Мўйдинова, Хўжаобод районидан Аҳмаджон Турғунов, Пахтаобод районидан Абдуқаюм Норматов, Ленин районидан Қобилжон Мирзаев, Избоскан районидан Тоштан Исҳоқов, Қўрғонтепа районидан Одилжон Маматов бошлиқ бригадалар ҳар гектар ердан 45—50 центнердан ҳосил олдилар.

Катта меҳнат ғалабаси ҳақида гапирганда дала гвардиячиларининг ибратли ишларини эслаймиз. Бу йил областимизда жами ҳосилнинг 322 минг тоннаси «зангори кема»ларнинг бункерларидан тўкилди. Қўрғ Комсомолобод районида ялпи ҳосилнинг 86 проценти, Бўз районида эса 85 проценти машиналарда терилди.

Ҳар бир мавсум ўз қаҳрамонларини яратади. Бу йилги мавсум ҳам бундан мустасно эмас. Машинада пахта теришнинг усталари камол топди. Ники доғдор механизатор — бўлик Абдуфаттоҳ Солиев, комсомолободлик Саттибой Шокиров областда энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Уларнинг ҳар бири 550 тоннадан пахта терди. Москва районидан Маҳамаджон Қурчиев 500 тонна, Избоскандан Остонақул Деҳқонов 320 тонна, Хўжаобод районидан эр-хотин Х. Нуъмонов билан А. Нуъмонов 308 тонна, Жалолқудуқ районидан Ўрмонжон Олимжонов 250 тонна ва ундан ҳам кўпроқ пахта териб бердилар.

Пахта даласи чинакам жасорат майдонига айланди. Юзлаб кўпминг килограммчи теримчилар жон қуйдириб ишладилар. Хўжаободлик Хайрихон Умаралиева, избосканлик Руқияхон Исмоилова, марҳаматлик Олтибой Тўлибоев, Андижон районидан Арофатхон Ашурова, олтинкўллик Истора Воҳидова, Ойиста Исҳоқова, қўрғонтепалик Турдихон Қўчқорова ва бошқалар 8—10 тоннадан пахта териб, областнинг улкан хирмонини яратишга катта ҳисса қўшдилар.

Андижоннинг «олтин тоғ»ларини бунёд этишда шаҳарлик хашарчиларнинг ҳиссалари ҳам катта бўлди. Белига этак боғлаб далага чиққан ҳар бир шаҳарлик хашарчи ўзини пахтакор деб ҳис этди, сидқидилдан ишлади. Пахтакорларга олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари, шаҳар ва район марказларининг ишчи ва хизматчилари катта ёрдам бердилар. Пахта тайёрлаш пунктлари ва заводларининг ходимлари, транспортчилар ҳам кунларни тунларга улаб ишладилар.

Пахтакорларимиз мўл ҳосил етиштиришда қардош Қирғизистон ССРнинг Ўш, Тожикистон ССРнинг Қўрғонтепа областлари, қўшни Наманган области ваниларининг ўзаро текшириш вақтида берган қимматли маслаҳатларига таянган ҳолда иш олиб бордилар. Бугунги ғалабада мусобақадошларимизнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида пахтакорлар билан бирга чорвадорларимиз, соҳибкорларимиз, сабзавоткорларимиз, маккажўхорикорларимиз ҳам катта муваффақиятларга эришдилар. Областда сабзавот, пилла, полиз маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш топшириқлари ортиғи билан бажарилди.

Областимиз меҳнаткашлари йилнинг ҳамма соҳада яхши якунлаш мусобақасини ҳар каченгидан ҳам қизитиб юборилар. Пахта далаларида ҳали ҳосил бор. Область бўйича ялпи ҳосилни 625 минг тоннага етказиш учун қизғин кураш кетмоқда.

Ж. ҲАСАНОВ,
халқ депутатлари Андижон область Совети ижроия комитетининг раиси.

Андижон областининг улкан хирмонига Бўз райони деҳқонлари 36 минг тонна, Комсомолобод райони пахтакорлари 34,6 минг тонна дурдоналари билан муносиб ҳисса қўшдилар. Ҳар икки қўрғ районда етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми машиналар бункеридан тўкилди.

Пахта йиғим-терими авж олган паллада Комсомолобод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхози илғор коллективлари ва механик-ҳайдовчиларининг республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан областдаги барча механизатор ва пахтакорларга очиқ хати эълон қилинди. Бу даъваткор хатда совхоз меҳнаткашларининг ва механизаторларининг пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан белгиланган аниқ тадбирлари баён этилган эди. Бу ерда ҳамма ишлар шу асосида ташкил этилди. Хўжаликда йиғим-теримнинг боришига партиявий таъсир ҳар қачонгидан кучайтирилди. Теримда қатнашаётган механизаторлардан 28 киши коммунистлар бўлиб, улар меҳнатда ҳаммага ўрнак кўрсатишди. Жойларда 5 та муваққат партия группаси ташкил

ЗАРБДОРЧАСИГА ИШЛАБ

этилди. Ана шундай партия группаларидан бирига илғор механизатор Соттибой Шокиров етакчилик қилди. Партия ташкилотчиси ўзининг шахсий намунаси билан механизаторларга ибрат кўрсатди. У мавсумда 550 тонна пахта териб берди.

Меҳнат Қизил Байроқ ордени «Партия XX съезди» совхози Бўз районидаги машъал хўжаликлардан саналади. Бу ерда ҳам ялпи ҳосилнинг асосий қисми машиналар бункеридан тўкилди. Муҳаммаджон Жалолов, Одилжон Маматкаримов, Муҳаммаджон Тўраев, Мавлудахон Ҳасанова, Юрий Савин, Сотволди Усеров, Одина Қосимова каби дала гвардиячилари ўзаро беллашувда пешқадамлик қилишди. Суратларда: (юқоридан) Бўз районидаги «Партия XX съезди» совхозининг илғор механизаторлари Муҳаммаджон Жалолов, Одина Қосимова ҳамда Комсомолобод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхози пешқадам механизатори Соттибой Шокировлар.

А. ТЎРАЕВ ва Ж. ТЎРАЕВ фотолари.

ЯКУНЛАР ҚУВОНЧИ

Пахтакорларимиз колхоз ташкил топганига 50 йил тўлиши муносабати билан «50 йилликка 50 центнер» шиори остида ишладилар. Яхши ният — ярим мол, деганларидай қўш-қўш ғалабаларга эришдик. Беш йиллик планини ортиғи билан бажардик. Ҳар гектар ердан ўртача 41 центнердан хирмон кўтардик.

Бу йилги ютуқларимиз ҳам қувонарли бўлди. Ишни ҳамма соҳада яхши якунладик. Андижон хирмонига 6800 тоннадан зиёд «оқ олтин» тўкиб, планни ҳам, юксак социалистик мажбуриятни ҳам уддаладик. Ҳар гектар ердан 43 центнердан пахта йиғиб олдик. Ҳатто, ўтган йили етказиб берилмай қолган ҳосилнинг ўрни ҳам тўлдирилди. Тайёрланган пахтанинг 100 процентини биринчи сортга сотдик.

Ленин ордени пахтакор Усмонжон Худойбердиев бригадаси ҳар йили пахтадан юқори ҳосил олиб, колхознинг юксалишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Олтмиш центнерчилик ҳаракатининг ташаббускори бўлган бу илғор бригада пахтакорлари бугунгача 51 центнердан ошириб пахта берди. Оқийл Жўраев, Раҳмонали Жабборов, Усмонжон Акбаров бошлиқ бригаделар ҳар гектар ердан 47 — 48 центнердан ҳосил олиб, юқори кўрсаткичга эришдилар.

Хўжалигимиз уруғлик пахта етиштиради. Топширилган пахтанинг 4 минг тоннаси уруғликка қабул қилинди. Уни сифатли қилиб ғ

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА 1980 ЙИЛГИ СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши тўртинчи бетда).

Алексей Степанович **Пашковга**, халқ депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитети план комиссиясининг раиси, иқтисод фанлари кандидати Владимир Владимирович **Битуновга**, шу комиссия бўлимининг бошлиғи, иқтисод фанлари кандидати Василий Алексеевич **Шульгага**, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Леонид Александрович **Борисовга**, Москва шаҳар КПСС Киров район комитетининг биринчи секретари Иван Александрович **Строковга**, Москва шаҳар халқ хўжалигини комплекс ривожлантириш иқтисодий проблемалари институтининг директори, иқтисод фанлари доктори Вера Сергеевна **Бялковскаяга**, СССР Госпланнинг кичик бўлимининг бошлиғи Игорь Михайлович **Антиповга** — Москва, Ленинград шаҳарлари ва Ленинград областини ривожлантиришнинг комплекс иқтисодий ва социал планлаштириш территориал системасини ишлаб чиққанликлари ва жорий этганликлари учун.

III.

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА АТАЛГАН ДАРСЛИКЛАР УЧУН

1. Москва пўлат ва қотишмалар институтининг собиқ профессори, техника фанлари доктори Яков Семенович **Уманскийга**, шу институт кафедра мудири, техника фанлари доктори Юрий Александрович **Скаковга** — 1978 йилда эълон қилинган «Металлар физикаси. Металл ва қотишмаларнинг атом тузилиши» дарслиги учун.

2. М. В. Ломоносов номли Москва Давлат университети кафедра мудири, физика-математика фанлари доктори Владимир Александрович **Ильинга**, шу университетнинг профессори, физика-математика фанлари доктори Эдуард Генрихович **Позняка** — 1971 йилда (2-нашри) эълон қилинган «Аналитик геометрия», 1978 йилда (2-нашри) эълон қилинган «Чизиқли алгебра» ҳамда 1971 йилда (3-нашри) ва 1973 йилларда эълон қилинган икки қисмдан иборат «Математик анализ асослари» дарсликлари учун.

3. Иш раҳбари, КПСС Марказий Комитети бўлими мудирининг ўринбосари, юридик фанлари доктори Георгий Хосроевич **Шахназаровга**, А. И. Герцен номли Ленинград давлат педагогика институтининг ректори, СССР Педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси Александр Дмитриевич **Боборикинга**, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг проректори, фалсафа фанлари доктори Юрий Андреевич **Красинга**, «Партийная жизнь» журнали бош редакторининг ўринбосари, фалсафа фанлари кандидати Владимир Васильевич **Суходеевга** — 1978 йилда (16-нашри) эълон қилинган «Жамиятшунослик» дарслиги учун.

ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ УЧУН

4. Москва шаҳридаги 30-техника билим юртининг ўқитувчиси Игорь Самуилович **Вишнепольскийга** — 1978 йилда (2-нашри) эълон қилинган программа билан ўқитиш элементлари бўлган техник «Чизмачилик» дарслиги учун.

ПАРТИЯ ЎҚУВИ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИ УЧУН

5. СССР Ташқи ишлар министрлиги Дипломатия академиясининг ходимлари — иш раҳбари, бўлим мудири, тарих фанлари доктори Игорь Дмитриевич **Остойя-Овсянига** (И. Д. Овсянига), тарих фанлари кандидати Евгений Юльевич **Богушга**, тарих фанлари докторлари, профессорлар Виктор Левонович **Исраэлянга**, Владимир Петрович **Нихаминга**, ректор, тарих фанлари доктори Виктор Иванович **Поповга**, кафедра мудири, тарих фанлари доктори Герман Леонтьевич **Розановга**, тарих фанлари кандидатлари, доцентлар Сергей Владимирович **Покровскийга**, Владимир Феодосьевич **Стратановичга**, шу академиянинг собиқ проректори, тарих фанлари кандидати Андрей Иванович **Степановга**, тарих фанлари доктори Олег Борисович **Борисовга**, СССР Фанлар академияси Африка институтининг директори, тарих фанлари доктори Анатолий Андреевич **Громикога** (В. А. Грачевга) — 1978 йилда (2-нашри) эълон қилинган «Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати» дарслиги учун.

КПСС Марказий Комитетининг Секретари
Л. БРЕЖНЕВ

СССР Министрлар Советининг Раиси
Н. ТИХОНОВ

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЛДИНГИ МАРРАСИДА

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва Давлат мукофоти комитетининг илмий секретари профессор М. С. АРЖАНИКОВ билан суҳбат

Совет халқи КПССнинг XXVI съездини кутиб олаётган меҳнат ғалабаларига олимлар ва мутахассислар кўп миллионли армияси салмоқли ҳисса қўшмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми тадқиқотчиларни экономиканинг муҳим проблемаларини ҳал этишга активроқ қўшилишга, прогрессив технологияларни жорий этиш, халқ хўжалиги етакчи тармоқлари тараққиётини жадаллаштириш учун илмий асосларни ишлаб чиқишга даъват этди.

Жами 31 иш тақдирланди. Буларнинг ҳар бири фундаментал ва амалий фанда, техникада янгиликдир. Анъанага кўра, лауреатлар рўйхати физика-математика фанлари соҳасидаги тадқиқотлар билан бошланади. П. Н. Лебедев номли физика институтининг икки группа олимлари янги фундаментал очимлари учун тақдирландилар. Шулардан бири металл бўғларида ишлайдиган импульс лазерлар яратиш билан муваффақиятга эришди. Шулар асосида ёрқинлик қучайтиргичи бўлган оптик системалар, жумладан лазер проекцион микроскоплар ишлаб чиқилди. Иккинчи тадқиқот янги техниканинг ғоят мусаффо материалларга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлаш проблемаси билан боғланган. Авторлар субмиллиметр тўлқин узунлик диапазонида ишлайдиган спектроскопияга асосланган моддаларни чуқур тозалаш оригинал методини ишлаб чиқдилар.

Механика соҳасидаги фундаментал тадқиқотларнинг натижаларидан техниканинг турли соҳаларида тобора кенгроқ қўланма фойдаланилмоқда. Москвалик бир группа олимларнинг суюқлиги бўлган ҳавол жисмлар динамикасига доир мукофот билан тақдирланган коллектив тадқиқоти практика учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган шундай назарий ишлар қаторига киради. Кейинги йилларда техниканинг ривожланиши муносабати билан ҳавол жисмлар, шу жумладан қисман суюқлиги бўлган жисмлар динамикаси проблемалари алоҳида аҳамият касб этди. Ҳозирги учиш аппаратлари ичида бўлган кўп миқдордаги ёнилғи аппарат динамикасига жуда катта таъсир кўрсатмоқда.

Мутахассислар ўғит ишлаб чиқариш соҳасида катта халқ хўжалик проблемасини ҳал қилдилар. Улар Қоратов ҳавзасидаги сулфати оз рудани юксак концентрациялашган ўғитга айлантириш технологиясини ишлаб чиқдилар ва практикага жорий қилдилар. Илк бор минерал ўғитни оқиндисиз ишлаб чиқариш йўлга қўйилдики, бу атроф муҳитни муҳофаза этишнинг таъминламоқда.

Қудуққа туширилувчи аппаратлар ёрдамида нефть-газли қатламларни синаб кўриш ва уларнинг гидродинамик хоссаларига баҳо бериш серунум ва тежамли методларини ишлаб чиққан ва халқ хўжалигига жорий этган авторлар коллективига геология соҳасидаги мукофот берилди. Ишлаб чиқилган аппаратлар қулайлиги ва ишлатилиш самарадорлиги жиҳатидан чет эллардаги шундай намуналардан анча устун келади. Конструкциялорнинг қўпчилиги ихтиро даражасида бажарилган бўлиб, 12 та авторлик гувоҳномалари билан ёқланган. Бу аппаратлардан 900 та комплекти ишлаб чиқилган бўлиб, улар мамлакатнинг турли районларида, ГДР, Чехословакия, Венгрия, Кубада ишлаб турибди.

Катта авторлар коллективи яратган «Океанлар атласи» ва «Тупроқда яшовчи каналарни аниқловчи» деган уч томлик монографиядан иборат асарлар мукофот билан тақдирланди. Медицина-биология препаратив ультрацентрифугани илмий практикага жорий этган бир группа авторларнинг иши медицина-биология фанлари соҳасида эришилган катта ютуқ ҳисобланади. Бу аппарат молекуляр биология, биохимия, биофизика, полимерлар химияси, медицина, вирусология соҳасида чуқур тадқиқотлар ўтказиш учун сифат жиҳатидан янги имкониятлар очиб берди. Машиналарни кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Англия ва АҚШда унга патентлар олинди. Юрак касаллиги бошланғич босқичларини диагноз қилиш ва даволаш янги методларини кенг практикага жорий этган москвалик олимлар группаси медицина соҳасида яна бир муваффақиятга эришди. Мураккаб операцияларда ишлатиладиган янги медицина аппаратларини яратган авторлар коллективи ҳам тақдирланди.

Экономистлар, технологлар ва социологларнинг куч-ғайратлари билан Волжск автозаводида меҳнат ишлаб чиқаришини бошқариш ва иш ҳақини ташкил этиш комплекс системаси жорий этилди. Бу иш ишлаб чиқариш ва меҳнат коллективини бошқаришнинг ташкилий ишлаб чиқариш ва социал форма ва методларини сифат жиҳатидан ўзгартириб юборди. Бунинг натижасида ВАЗ коллективи лойиҳадаги қувватларни барвақт ўзлаштирди, лойиҳадаги меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот таннархига эришди, давлат планининг ҳамма топшириқларини соҳа бўйича ўртача даражадан анча ортиқ юксак техник-иқтисодий сифат кўрсаткичлари билан давлат планининг ҳамма топшириқларини бажариш борасида барқарор ишлашни муттасил таъминлаб келмоқда. Ҳозир мамлакатдаги 45 корхона ва бирлашма ВАЗ системаси билан ишламоқда.

Психология соҳасида СССРда кўр ва карлар таълим-тарбияси системасини назарий ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги тадқиқотлар турқуми тақдирланди. Бу иш чуқур сенсор қусури бўлган кўпгина кишиларни актив ҳаётга ва ижтимоий фойдали меҳнат фаолиятига қўшишга, уларга ҳатто олий маълумот беришга имкон берди.

Йилнинг лауреатлари рўйхатида фаннинг янги соҳаси — тупроқ ҳосил бўлиш энергетикасининг кашшофлари бор. Озарбайжон Фанлар академиясининг тупроқшунослик ва агрохимия институти тақдим этган ишлар туркумида авторлар фаннинг тупроқ биоэнергетикаси тўғрисидаги таълимот ҳолидаги янги йўналишини асослаб, тупроқни биоэнергетик асосида янгича классификация қилиб бердилар.

Илм-фан машиналар ва технология орқали ишлаб чиқариш билан боғланади, унга прогрессив идеяларни таъсир эттиради, деган эди Ўрток Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида сўзлаган нутқида. Мукофотлар билан тақдирланган кўпгина ишлар экономиканинг етакчи тармоқларини айни сифат жиҳатидан қайта қуроллантиришга қаратилган. Булар орасида қанд лавлаги ковлайдиган серунум машиналарни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, Ижевск машинасозларининг прогрессив технологияси, Оренбург областидан гелий концентрати оладиган янги серунум установкаларни яратиш, мамлакатнинг газ саноатида газ ҳайдайдиган кучли агрегатларни жорий этиш бор.

Узоқ Шарқ ҳавзаси учун ишлаб чиқилган ва СССР Денгиз флоти министрлиги мукофотга тақдим этган ка-ботаж юк ташиш системаси юк ташишни ташкил этувчи мутахассислар ниҳоятда юксак даражада баҳоладилар. Бу иш Узоқ Шарқнинг Арктика ва Тинч океан соҳилларига хос шароитларда юк ва пассажир ташиш пухта таъминланиши билан боғлиқ кўп-дан-кўп проблемаларни ҳал қилди. Натижада меҳнат ресурслари ғоятда тақчил шароитларда, шунингдек, Узоқ Шарқ региони ишлаб чиқариш кучларини биринчи навбатда ривожлантириш зарур шароитларда юкчилар сони ўн минг киши қисқартирилди, юк ишларининг унумдорлиги ўн баравардан зиёд ошди, юк ташиш ҳажми 1,4 баравар кўпайди.

Энергетика соҳасида иккита йирик иш мукофотга сазовор бўлди. Шулардан бири 750 киловольт кучланишли янги ғоят юксак классдаги электр линиясини жорий этиш билан алоқадор бўлиб, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо мамлакатларнинг бирлашган энергосистемалари СССРнинг туташ энергетика системаси билан параллел ҳолда ишлашини таъминлади. Республикада маҳаллий сланец ёқилғи билан ишлайдиган жаҳонда биринчи катта қувватли электр станциясини яратган эстон инженерлари ҳам муваффақиятга эришдилар. Сланецдан фойдаланиш Шимоли — Ғарб районларига ёқилғи ташиб келтиришни 66 миллион тонна қисқартиришга имкон беради. Тушган қулдан эса Нюқоратупроқ зонада ўғит ва бинокорлик материаллари саноати учун ҳом ашё сифатида фойдаланилмоқда.

Катта-катта саноат регионларининг иқтисодий, социал ва территориал тараққиёт жиҳатларининг бир-бирига боғлиқлиги тобора ошиб бораётган шароитларда комплекс планлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Шу муносабат билан москвалик ва ленинградлик икки группа мутахассисларнинг Москва, Ленинград шаҳарлари ва Ленинград области ривожланишининг комплекс иқтисодий ва социал планлаштириш территориал системасига бағишланган ишлари мукофотлар билан тақдирланди.

Космик тадқиқотлар соҳасида ишлаётган олимлар ва инженерларнинг куч-ғайратлари яна бир муваффақият қозонди. «Салют-6» орбитал станциясининг ичида тадқиқотлар олиб боришга мўлжалланган ҳажми 10 метр бўлган қўзғалувчи радиотелескопни яратган авторлар группаси радиотехника соҳасидаги мукофотга сазовор бўлди. Авторлар оригинал конструкцияда жаҳонда биринчи космик радиотелескоп яратдилар. Уни ердан орбитага букланган ҳолда ташиб чиқариш мумкин.

Металлургларимизнинг икки фундаментал очимлари мамлакатга катта иқтисодий самара берди. Шулардан бири Новолипецк заводида иссиқ ҳолда юқори сифатли рулон пўлат прокат қилиш учун ягона машиналар туркумини яратишга имкон берди. Иккинчиси — сифати паст боксидни қайта ишлаш муҳим проблемасини ҳал этди ва бу Қозоғистонда катта боксид хом ашё базасидан фойдаланишга имкон берди.

Қурилиш соҳасида кўприклар ва йирик саноат объектлари, энергетика объектлари учун чуқур ётадиган фундаментлар қуриш янги конструкцияси ва технологиясини ишлаб чиққан ва жорий этган авторлар группасига мукофотлар берилди. Натижада қаттиқ иқлимий ва мураккаб гидрогеологик шароитларда, шу жумладан Тюмень-Сургут линиясида, Байкал-Амур магистралида неча ўнлаб йирик кўприклар, улкан саноат объектлари — Атоммаш, КамАЗ заводи, бир қанча йирик ГРЭСлар лойиҳаланди ва қурилди.

Суяк чиннидан СССРда биринчи марта саноат қўлламида юқа буюм ишлаб чиқариш йўлини топганликлари ҳамда технологиясини жорий этганликлари ва бу ишларни ташкил қилганликлари учун Ленинград чинни заводидан бир группаси мукофотга сазовор бўлди.

Бир қанча ўқув қўлланмалари мукофотлар билан тақдирланди. Булар орасида «Металлар физикаси. Металл ва қотишмаларнинг атом тузилиши», «Аналитик геометрия» ва «Чизиқли алгебра», махсус ўрта ўқув юртлари учун аталган ва 16 марта чоп этилган «Жамиятшунослик дарслиги», шунингдек ҳунартехника мактабларининг ўқувчилари учун техник чизмачилик қўлланмаси бор. Партия ўқуви тармоқлари учун мўлжалланган «СССРнинг ташқи сиёсати» дарслигига ҳам мукофот берилди.

(ТАСС).

ХАЛҚ УЧУН ИЖОД ҚИЛАЙЛИК

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофоти ва СССР давлат мукофоти комитетининг раиси Г. М. МАРКОВ билан суҳбат

Шундай қилиб, СССР давлат мукофоти янги лауреатларининг номлари маълум бўлди. Уларнинг ижодиёти Советлар мамлакатининг адабиёт ва санъат ҳазинасини бойитди, кўп миллатли социалистик маданият равнақ топганлигининг ёрқин далили бўлди. Ижодий индивидуаллиги ғоят хилма-хил бўлган ана шу санъаткорларнинг ғоявий-ижодий позицияларининг муштараклиги — чуқур партиявийлик, ҳозирги даврга ниҳоятда қизиқиш, ҳаётни чуқурроқ билишга, бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим проблемаларни ҳал этишда таъсирчан қурол сифатида ўтмишимизни мушоҳада этишга интилиш каби хусуситларг бир-бирига яқинлаштиради.

Таниқли украин ёзувчиси Павел Загребельний «Жадаллик» романи учун СССР давлат мукофотига сазовор бўлди. Бу асар ҳаётда актив, принципиал позицияда туриш нақадар муҳим эканлигини ҳаққоний ва ишонтирарли тарзда ҳикоя қилади. Автор ҳозирги замон илм-фан оламидаги ғояларнинг қурашини, ишга асосий бериларган, унга ижодий муносабатда бўлаётган кишилар билан ўзига бино қўйган, ўзларининг шахсий манфаатлари тор дунёси билан боғлиқ бўлмаган ҳамма нарсага лоқайд кишилар ўртасидаги муросасиз тўқнашувни тасвирлаб, романда чуқур тафаккур ва ҳис-туйғулар ғоят жўш урган муҳитни вужудга келтиради.

Кейинги йилларда совет театр санъатини ривожлантириш йўлидаги босқичлар бўлиб қолган пьесалар учун таниқли драматург Алексей Арбузов мукофотга лойиқ деб топилди. Унинг асарларининг қаҳрамонлари маънавий мард, асосий эътиқодли, келажакка қомил ишонч билан қаровчи кишилардир. Уларнинг тақдирлари, ёрқин ва сабот-матонатли характерлари саҳнада ватанпарварликни, жамиятимизнинг юксак маънавий нормаларини қарор топтиради, эзгуликнинг буюк қучига ишончни мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғуломнинг «Мангулик» романи шу республикада Совет ҳокимиятини ўрнатиш йилларига бағишланган. Роман 20-йилларда мамлакатнинг шарқий районларида содир бўлган ижтимоий-синфий курашнинг мураккаблигини ёрқин тасвирлайди ва Ўрта Осиё реалистик прозасини ривожлантиришга қўшилган муҳим ҳиссадир.

Москва ва Олмаота киностудиялари режиссёр Алексей Сахаров раҳбарлигида яратган «Нон таъми» номли тўрт серияли бадиий фильм халқнинг қаҳрамонона жасорати — қўрғонинг ўзлаштирилиши тўғрисида ҳикоя қилади. Ғалла учун олиб борилган мнсли-сиз кўламдаги жангни экранда таъсирли ва ҳаққоний кўрсатган ижодий коллективнинг катта иши мукофотга сазовор бўлди. Ғалла учун жанг далаларидагина эмас, шу билан бирга олимларнинг лабораторияларида, корхоналар ва қурилишларда, партия раҳбарларининг кабинетларида ҳам олиб борилган эди.

«Шахсий масалалар хусусида бир неча суҳбат» фильмининг режиссёр Лано Гогобидзе бошчилигидаги съёмка коллективига СССР давлат мукофоти берилди. Авторлар томошабинларни замондошимиз, истеъдодли, маънавий бой киши билан таништирдилар. Шу лентанинг бош қаҳрамонини Софья Чаурели ниҳоятда муваффақиятли ўйнаган бўлиб, бу роль шубҳасиз шонли совет хотин-қизларининг экрандаги кўпдан-кўп образларини бойитади.

Иван Франко номли Киев Академик украин драма театрининг «Еввойи фариштa» ва «Ваня тоға» спектакларни мамлакат маданий ҳаётида диққатга сазовор воқеа бўлди. «Ваня тоға»да эса театр Чеховнинг ҳаққий қаҳрамонларини кўрсатишга, катта саҳна тарихига эга бўлган асарни янгидан ва марокли тақдим этишга муваффақ бўлган. «Еввойи фариштa» пьесасининг автори Алексей Коломиец, ҳар иккала спектаклнинг постановкачилари ва бош ролларнинг ижрочилари СССР давлат мукофотининг лауреатлари бўлдилар.

СССР халқ артисти, С. М. Киров номли Ленинград Академик опера ва балет театрининг солисти балерина Ирина Колпакова классик ва замонавий репертуар партияларида аллақачон машҳур бўлиб қолган. Эндиликда мукофотга сазовор бўлган мана шу катта рақс устаси юксак ижрочилик маданияти, руҳий юксаклик билан ажралиб туради. М. Ф. Охунжонов номли Озарбайжон Академик опера ва балет театрида саҳналаштирилган «Минг бир кеча» балетнинг ижодкорлари ҳам лауреат бўлишди.

Марказий телевиденининг снёсий шарҳловчиси Александр Каверзневнинг номи телетомошабинларга яхши маълум. Унинг кенг билимдонлиги, снёсий зийраклиги ва публицистик эҳтиросининг теранлиги автор телеэкранда доимо чиқиб турган халқаро шарҳларда ҳам, шунингдек «Мао ворислари» кўрсатув циклида, «Пномпенда баҳор» ва «Куба портретлари» ҳужжатли фильмлар каби йирик ишларда ҳам яқол намоён бўлмоқда. Телевидение соҳасидаги яна бир мукофот «Мўъжизасиз мўъжизалар» доимий программаси, «Ноёбликнинг ҳисоби», «Тирик қонот», «Сир» телефильмлари учун профессор С. П. Капица билан Л. Н. Николаевга берилди.

Композитор Георгий Свиридов ижоди фалсафий теранлик ва инсон характерларини нозик тадқиқ этиш, уларни дадил ривожлантириш билан ажралиб туради. Унинг янги асари — «Пушкин гулчамбари» хорда ижро этиладиган концертида ҳам ана шу сифатлар тўлалигича намоён бўлди. У бу юк шоир шеърларининг образли тузилишини музикада зўр бадиий дид билан мужассамлаштирди.

Дмитрий Кабалевскийнинг ижоди ёшлик мавзуи билан чамбарчас боғланган. Оркестр билан фортепьянода ижро этиладиган 4-концерти («Прага») формасининг аниқлиги ҳалқ ижодига таянган ёрқин мусиқийлиги билан фарқ қилади, у умидворлик ва ҳаётбахшлик руҳи билан суғорилган. Мазкур асар композиторнинг ёш авлодни эстетик руҳда тарбиялаш борасидаги кўп йил самарали ишлаганлигининг янги далилидир.

Таллинда ёзувчи А. Таммсаарга ва Душанбада ёзувчи С. Айнийга ўрнатилган ёдгорликларнинг авторлари фахрли мукофотга сазовор бўлдилар. Ана шу асарлар томошабинни атоқли сўз усталарининг маънавий дунёсига олиб киради, уларнинг фикр-ўйлари ва ғояларининг улуғворлигини билишга ёрдам беради.

Архитекторлар, инженерлар, қурувчи монтажчилар Москванинг жанубий-ғарбидаги Тропарево уй-жой массивида кенг ҳажмли композицияни вужудга келтирдилар. Бу композиция аҳоли учун яхши шароитларни таъминлабгина қолмай, шу билан бирга ёрқин бадиий қиёфаси, рангларнинг муваффақиятли уйғунлашуви билан ҳам фарқ қилади. Бу иш — оммавий уй-жой қурилишларнинг сифатини ва эстетик кўринишини яхшилаш билан характерли бўлган индустриал қурилишни ривожлантиришдаги янги босқичдир. Алуштадаги «Чайка» пансионат лагерининг архитекторлари ва қурувчиларига ҳам СССР Давлат мукофоти берилди. Улар Қора денгиз соҳилининг тоғли рельефидан жуда яхши фойдаланиб, қувонч бахш этадиган байрамона ансамблни вужудга келтиришга муваффақ бўлишган.

Янги лауреатлар орасида адабиёт ва санъат назарияси ҳамда тарихига доир фундаментал асарларнинг авторлари ҳам бор. Адабиёт тўғрисида ҳозирги замон фанидаги янгилик бўлиб қолган «Бадиий ижодиёт, воқелик, инсон» китобини ёзган академик М. Б. Храпченко шулар жумласидандир. Санъатшунослик доктори В. С. Кеменовнинг «Веласкес картиналари» ва «Веласкес СССР музейларида» китоблари нафис бадиий таҳлил, илмий теранлик хусусиятларига эгадир.

СССР давлат мукофотларининг берилиши — ҳамиша совет маданияти ижодий ютуқларининг кўригидир. Унинг якунларини чиқара туриб, шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, лауреатлар орасида кўпгина республикалар ижодкор зиёлиларининг намояндалари бор. Совет кишилари адабиёт ва санъат усталарини катта муваффақиятлар билан муборакбод этадилар ва улардан қаҳрамонона замонамизга бағишланган бадиий юксак саниядаги янги асарларни кутадилар.

(ТАСС).

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Кино кўрсатув. 10.05 — Революция қўшиқлари. 10.45 — Инсон. Ер. Коинот. 11.30 — Улуғ Октябрь. 12.05 — СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 12.45 — Москва. Қизил Майдон. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши. 15.30 — Ляля, Руслан ва унинг дўсти Саня. Бадиий фильм. 16.35 — Цирк майдонида. 17.10 — Октябрь. Бадиий фильм. 18.50 — Голубой огонёк. 21.30 — Время информацион программаси.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

9.45 — Тошкент тонги. 9.55 — Тошкент. В. И. Ленин номли майдондан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши олиб кўрсатилади. 12.45 — Москва. Қизил майдондан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши кўрсатилади. 18.05 — Болалар учун мультфильм. 18.20 — Байрам концерти. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — Фильм-концерт. 19.50 — Ахборот. 20.30 — Табрикларимизни қабул этинг. Байрам музикали программаси. 21.30 — Время. 22.45 — Табрикларимизни қабул этинг. Концерт давоми.

II.

20.05 — Қўғирчоқ фильм. 21.05 — Революция поэмалари. 21.45 — Телефильм. 22.15 — Совет Иттифоқи элчиси. Бадиий фильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Байрамингиз билан, дўстлар. 9.15 — Чақириқлар ва маршлар. 9.45 — В. И. Ленин номли майдондан гапирамиз. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва Тошкент шаҳар меҳнаткашларининг намойиши. 12.00 — СССР халқларининг қўшиқлари. 12.50 — Москва. Қизил майдон. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашларнинг намойиши. 15.15 — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш материаллари. 16.30 — Концерт. 17.00 — Октябрь — жаҳон баҳти. 18.15 — Ешлик. 19.25 — Байрам музикали саломи. 20.15 — Шоирларнинг давра суҳбати. 20.35 — «Ялла» вокал-чолғу ансамбли ижро этади. 21.00 — Ҳарбий парад ва Тошкент шаҳар меҳнаткашларининг намойишларидан репортаж. 21.20 — Сиз ёқтирган қўшиқлар. 22.45 — Чолғу куйлари. 23.15 — Катта байрам концерти.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/XIда **Келинлар қўзғолони** (13.00), **Олтин девор** (19.30), 8/XIда **Олтин девор** (12.00), **Кўрмайин босдим тиконни** (19.30), 9/XIда **Абу Али ибн Сино.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7, 8/XIда **Кулги кечаси** (13.00 ва 19.30да), 9/XIда **Тошкентнинг нозанин маликаси** (12.00), **Хўжайин** (19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 7, 8/XIда **Отасининг қизи** (12.00 ва 15.00да).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **катта байрам томошалари** (7/XIда 13.00, 16.00 ва 19.30да; 8, 9/XIда 12.00, 16.00 ва 19.30).

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22 ноябрь соат 20.00 да 16 ва 23 ноябрда соат 17.00 ва 20.00 да

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, Давлат хизмат кўрсатган

ВОКАЛ-ЧОЛҒУ «ЯЛЛА» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

Бадиий раҳбар — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ФАРРУҲ ЗОКИРОВ.

Билетлар соат 14.00 дан сотилади.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

8 ноябрь соат 17.00 да СССР биринчилиги учун «ПАХТАКОР» (Тошкент) — **«ЗЕНИТ»** (Ленинград) **командалари ўртасида**

ФУТБОЛ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: Совет давлати асослари ва ҳуқуқ, мактабгача тарбия муассасаларида ва бошланғич синфларда рус тили ва уни ўқитиш методикаси (фан докторлари ёки кандидатлари), жисмоний тарбия (фан кандидати ёки катта ўқитувчи), спорт фанлари (профессор);

доцентлар: илмий атеизм, этика ва эстетика, умумий техника фанлари;

катта ўқитувчилар: КПСС тарихи (рус тили), чет тиллари, расм, тасвирий санъат, чизмачилик;

ўқитувчилар: снёсий иқтисод (рус тилида), чет тиллари, мактабгача педагогика.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри-64, Педагогика кўчаси, 103-уй.

Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ

ўсимликшунослик бўлими бўйича катта илмий ходим (фан кандидати).

Вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 16 ноябрга.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700183, Тошкент шаҳри 183, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот тажриба станцияси.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-63-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-29; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-55; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-43-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02.556. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, Индекс 64583. Б. — 257.